

“...Ибрат домланинг ўгли Ротибхоннинг 1959 йил 28 майда Ўзбекистон ССР Олий Советига йўллаган аризасини келтирамиз: “Менинг отам, “Ибрат”, “Анисий” тахаллуси билан асарлар ёзган прогрессив олим Исҳоқ Жунайдуллаев 1862 йилда Тўрақўрғонда ўқимишли хонадонда туғилиб, ёшлик даврида Тўрақўрғон, Наманган ва Бухорода билим олган. Ўз ҳаётида билим қидираган отам Россиянинг кўп шаҳарларида, Туркия, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон ҳамда Хитой давлатларида бўлган...”



(7-саҳифада ўқин).

МАХТУМҚУЛИ ФИРОҒИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 300 ЙИЛЛИГИ



## ЗИЁСИ БИР ЎЗБЕК БИЛАН ТУРКМАННИНГ

Ўзбек-туркман дўстлиги илдизи асрлар қаърига бориб тутадади. Азалдан елкадош бўлиб яшаб келган бу икки миллатнинг тўй ва байрамлари, маърака-маросимлари ҳам муштарак эди. Марказий Осиёда эзгу ишлар бунёдкорлигида ҳам, ташвишли кунларда ҳам ўзбеклар ва туркманлар бир-бирига мададкор бўлиб келганлар.

Тарих зарварақларидан бунга истаганча мисоллар келтириш мумкин. Балки бу азалий дўстлик “Гурўгли” туркумидagi достонлар ҳар иккала миллат бахшилари томонидан севиб куйлана бошлаган паллада янада чамбарчас тутада бошлагандир. Маҳмуд Кошгарий “Девону луғотит-турк” асарини иншо қилган чоғларда янада муштараклашгандир балки. Ўзбек-туркман биродарлиги Абулғози Баҳодирхон “Шажараи тарокима” асарини битган чоғда авж нуқтасига етгандир эҳтимол.

Эътиборли жиҳати шундаки, ҳаётнинг ҳар қандай синовли кунларида ҳам ушбу муштақам дўстлик ва биродарликка ҳеч ким раҳна сололмаган. Бу она заминимизга фараз ниятли ғанимлар кўз тиккан пайтда ўзбек ва туркман халқи бир тан, бир жон бўлиб, биргаликда озодлик ва мустақиллик учун курашганини фахр билан эътироф қилиш мумкин.

(Давоми 4-саҳифада.)

НИГОҲ

## ОНА ЮРТИН СЕВМАГАН ЧИН ИЖОДКОР БЎЛОЛМАС

Ўзбекистон халқ рассоми  
Жавлон Умарбеков билан суҳбат



– Ҳурматли Жавлон ака, аввало, қиматли вақтингизни аямай, интервьюга рози бўлганингиз учун катта раҳмат. Мана, сиз билан ижодий устахонангизда суҳбатлашяпмиз. Адашмасам, тасвирий санъат мухлисларига олам-олам завқ бағишлаган энг гўзал асарларингиз айнан мана шу масканда яратилган. Шу топда кўнглимда олдиндан режалаштирилмаган

бир савол пайдо бўлди: хўш, сиз учун устахона нима?

– Устахонам – ҳаётдаги турли ташвиш ва муаммоларни унутиб, қалбим хотиржам бўладиган маскан. Аслида ижодхона ким учундир шунчаки келиб-кетадиган, тартибсиз бир жой бўлса, кимларгадир ҳақиқий илҳом бағишлайдиган, яна кимларгадир дам оладиган, баъзиларга фақат ишлаш учунгина хизмат қиладиган макон бўлиши мумкин. Бу ер гўё ошхонага ўхшайди. Ижодкор ошпаздай куйиб-пишиб ҳаракат қилиб, “таом тайёрлайди”. У баъзан тағига олади ё ланж бўлиб қолади ёки туз-тотиғи мазали бўлиб, ҳаммага манзур бўлади. Бу жой – менинг иккинчи уйим. Мен учун бу устахона сокинлик билан илҳом берадиган, кўнглини хотиржам тутадиган гўшадир. Кўпинча мендан: “Сизга илҳом қандай келади?” деб сўрашади. Аслида менга яшайди, ҳар доим юрагимда бор. Фақат ижод қилиш учун вақт, муҳит, хоҳиш топишим керак. Бугунги замонда кундалик ташвишлардан қочиб, хотиржам бўлиб, фикрни жамлаш қийин. Бу ерда эса шундай тансиқ имкон бор. Мен ташқаридаги ҳар қандай маълумотдан узилиб, мусиқа тинглаб ижод қиламан. Мана, жим қўлоқ тутиб кўринг. Нимани эшитяпсиз? Жимжитлик. Мана шу ижодкор учун ҳақиқий хузуур. Табиатнинг овози – дарахт барглариининг шитирлаши, шамолнинг оҳиста эсиши, ёмғирнинг шитир-шитирдан бўлак шовқини йўқ. Мана шу менинг ижодхонам, мендаги яратувчиликни уйғотувчи сеҳрли ошиён...

(Давоми 2-саҳифада.)

СИДҚИЙ ХОНДАЙЛИҚИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 140 ЙИЛЛИГИ

## ЖОНИМ ВАТАН, ТАНИМ ВАТАН, КЎЗИМ ВАТАН

ёхуд бир татаббуъ тафсилоти

Маърифатпарвар шоир Сидқий Хондайлиқий домланинг “Ватан надир, туққон ерим, турғон ерим” сатри билан бошланадиган ушбу ғазалини биринчи бор ўқишимдаёқ, менга манзур келиб, хотирамга жо бўлганини айтиб ўтмоқ жоиз. Илк таассурот шуки, қадрдон ва туғишган оғам билан кўришгандай, анча вақтгача шод ва масрур ҳолатда, жозиб мисраларни такрорлаб юрдим.



Ғазалдаги “От-зшакда ўрдан-қирдан бугдой ташиб, Ўроқ билан хору хасин ўргон ерим” сатрлари болалик паллаларимизни, “энагамиз тунда ою кундузи куёш” (А.Орипов ибораси) бўлган беғубор ва беармон дамларни ёдга солар, раво оҳангию оҳангдорлиги ҳам дилга яқин, содда ва жайдариллиги билан дарров кўнгли мулкига айланди-қолди. Шунини ҳам айтиш керакки, ғазалдан нон ва бугдой иси, бугдойпоялару дашту адирлар нафаси, бир сўз билан айтганда, Ватан иси гупуриб-уфуриб турарди. Бу тансиқ ислар ва туйғулар менга жуда азиз ва қадрдон, болалигимиздан онам тоғдаги қишлоғини қўмсаб айтадиган “Ватанимнинг қирлари-ей, Ватанимнинг ислари” деган соғинч тўла армонли байтлари билан менинг ҳам умрий соғинчларимга айланиб бўлган эди.

(Давоми 3-саҳифада.)

ЙЎЛОВЧИДАН ТАКЛИФ



“ЙЎЛИНГИЗ ОЙДИН,  
САФАРИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН!”

...Ҳамон эслаймиз: ҳали истиқлолгача бўлган даврда Урганч шаҳрида иш билан ушланиб қолсам, кечқурун қирқ беш чақирим йўл босиб, уйимга етиб олишим минг азоб эди. Кечқурун мажлисдан сўнг тасодифий уловларга миниб, ярим тунда уйга етиб олган вақтларим кўп бўлган. У пайтлари жамоат уловлари шомдан сўнг ҳаракатини тўхтатарди. Шаҳардаги “таксо-парк” аталмиш корхонага тегишли машиналар эса кечқурун туманларга юрмасди.

Ҳозир эса кечаю кундуз – йигирма тўрт соат такси хизмати сизга мунтазир. Шаҳару қишлоқларнинг “питак” аталмиш жойлари ниҳоятда машҳур. Яна кўнгирак қилсангиз исталган пайтда эшигингиз остонасида қирақаш машина хизматга шай туради.

Бунга одамларнинг даромади ошгани,

юртимизда замонавий енгил машиналар кўп-лаб ишлаб чиқарилаётгани замин яратди. Ахир ўтган асрнинг охирида мамлакатимизда атиги тўрт юз минг енгил машина бўлган, холос. Ҳозир уларнинг сони ўнлаб баравар ошган.

Шахсий енгил машинасида қирақашлик қилиш орқали даромад топиб, оила боқиш “касби” пайдо бўлганига ҳали унчалик кўп вақт бўлмади. Бошламада янги тизимда қатор тўсиқлар пайдо бўлди – транспорт бошқармаси ходимлари мунтазам назорат текширишлари ўтказишиб, йўловчи ташиш ҳуқуқини берувчи лицензиясиз қирақашлик қиладиган одамларни жаримага тортишар, энг ёмони, “қонунсиз фаолият” билан учинчи марта қўлга тушса машинаси давлат фойдасига мусодара қилинарди.

(Давоми 5-саҳифада.)

АНЖУМАН

## ФАРҒОНАДА АДАБИЁТ БАЙРАМИ



Ўзбек адабиётига йирик сиймоларни етштириб берган Фарғонада адабиёт байрами бўлиб ўтди. Мамлакатнинг таниқли ёзувчи ва шоирлари Қўқон шаҳрида жам бўлишди. Адабиёт байрами доирасида Жаҳон отин Увайсий, Хўжаназар Ҳувайдо, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Фурқат ижоди тараннум этилиб, Энахон Сиддиқова, Ҳабибулло Саидгани каби устоз ижодкорлар хотирланди.



(Давоми 3-саҳифада.)



Бошланиши 1-саҳифада.

– Одатда, ёзувчи ва шоирларнинг камолга етишида адабиётнинг, халқ оғзаки ижодининг ўрни катта бўлади. Ёшлигидан шеърини ва насрий асарларни ўқиб, дoston ва термалар, эртактларни тинглаб улғайган боланинг қалбида шу соҳага ҳавас пайдо бўлади, аста-секин унда истеъдод куртаклари юз очади. Хўш, кишида рассомликка иштиёқ қай тарихда пайдо бўлади? Уни қўлга мўйқалам олишга ундайдиган куч нима? Шахсан сизда бу ҳол қандай кечган?

– Аслида рассомларнинг шаклланиши ҳам шоир ва ёзувчиларникига ўхшайди. Ҳоҳ ҳофиз, ҳоҳ қочуғчи ёки рассом бўлсин, ҳамма ижодкорнинг муштарак, ўхшаш жиҳатлари бор. Ҳар бир санъат аҳлининг кўнгли гўзалликка ошно бўлади. Масалан, ўзим болалик шууримга муҳрланган қолган хотираларимни қозога туширигим келверади. Ҳозир қарийб сақсон ёшданман. Беш ёшимдан буён расм чизаман. Асарларимдаги сюжетлар ҳам асосан болаликдаги хотираларимнинг акси: бозордаги ҳолатлар, кўчаларда тўлиб оқадиган шарқироқ ариқлар, табиат манзаралари, чойхонада ўтирган чоллар... Ҳамма кўрган-билганларим, ўқиб-изланганларим менда иқтидорни шакллантирган, сурат чизишга иштиёқ уйғотган бўлса керак. Бундан ташқари, жуда кўп китоб ўқиганман. Китобдан оладиган хузури ҳеч нарса беролмайди, у бошқача... Айниқса, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Фахриддин Раҳимов, Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов асарлари суратларимда ўзбекона руҳни қучайтиришга, асарларимда шарқона жозибани тасвирлашга туртки бўлган.

– Сурат мазмунини тўла ифодалайдиган ном топиш қанчалик мушкул? Тасвирий санъат асарининг номи унинг гоёси билан бирга туғилганини ёки кейин танланганини?

– Бу жараён ҳар хил бўлади. Мен баъзида чизадиган асаримга олдиндан умумий бир ном топаман. Мисол учун, “Эски шаҳар қирғоғилари”. Шу номнинг ичида ҳамма нарса бўлиши мумкин: ариқдаги сув, чўмилиётган болалар, шарқона бозор шавқи, аравабини юваётган йигит ва ҳақозо. Баъзида бир асаримга утачана ном бераман. Кўпинча картиналар биринчи пайдо бўлади, кейинроқ номи ҳам туғилади. Менинг ижодимда монументал поннолар ҳам бор. Уларга ном танлаш жиддий жараён, бу рассомдан чуқур ўйлашни талаб қилади. Соҳибқирон Амир Темурага бағишланган икки-учта асар шулар жумласидан. Масалан, бир асаримнинг номи “Тафаккурли инсон”. Йўқ, “Мутафаккир” эмас, айнан “Тафаккурли инсон”. Бу умумий ном, лекин ундаги маънони томошабиннинг ўзи англаб олади. Суратда Ибн Сино, Беруний, Навоий, Камолiddин Беҳзод, Арасту, Леонардо да Винчи ҳам бор. Бу умуман, ҳазрати инсонга бағишланган асар. Ҳар хил асрининг улғу инсонларини



ни жамлаб, ўртада “Ҳақиқат” (Ботичеллининг “Венера”си) образини тасвирлаганман. Аслида ҳамманинг ўз ҳақиқати бор. Шунча буюк одамлар ўтиб кетди, уларнинг ҳақиқати (асарлари) бизга мерос қолди, ҳолок.

Рассом чизган асарни муҳлис худди у атаган ном билан қабул қилиши мумкин эмас. Асосийси, асар ҳар бир санъатсеварда айри бир ҳис уйғотсин, таассурот қолдирсин. Уни аниқ тушуниш ҳам шарт эмас. Масалан, Пабло Пикассонинг асарлари замиридаги маъноларни оддий одам тушунамаслиги мумкин, лекин унинг кўнглида қандайдир ҳиссиётларни уйғотиб юборади. Ҳар бир сурат ҳар инсонда турлича таассурот қолдиради, унинг ҳис-туйғусини қўзғаб, фикр уйғотади. Асосий мақсад ҳам шу – фикр ва ҳис-туйғуларни уйғотиш.

– Санъат асарининг умрбоқийлиги нима билан боғлиқ? Унда акс этган фикр қатламнинг теранлиги билан қанчалик ёки маҳорат билан чизилган шакл мураккаблиги?

– Юқори даражадаги санъатни тушуниш учун одам тарбияланган бўлиши керак. Яъни, санъат ҳақида маълумоти бор инсонгина ҳақиқий санъат асарининг қадрини англайди.

# ОНА ЮРТИН СЕВМАГАН ЧИН ИЖОДКОР БЎЛОЛМАС

Масалан, машҳур рассом Ван Гогнинг ҳаёти ва ижодини билмаган кишилар “Ҳа, уям оддий рассом-да” дейиши мумкин. Лекин асл санъат шинавандасигина машаққатли кечган ҳаёти давомида бирорта ҳам асарини сотолмаган бу санъаткорнинг асарлари қадри-қиймати қанчалик баланд эканлигини ҳис қила олади. Рассомнинг асарини бир қарашда баҳолаб бўлмайди. Унинг фақатгина асарини эмас, ўша буюк ижодий асарнинг пайдо бўлиши жараёнидаги қийинчиликларни ҳис қила бўлиш, муаллиф ҳаёти ҳақида ҳам бирмунча маълумотга эга бўлиш мумкин.

Одамзод ўзини ўзи мунтазам тарбиялаб бориши керак. Фақат китоб ўқиш билангина эмас, театр, кино, опера, музей, кўргазмаларга бориш орқали санъатга муҳаббатини парвартириши лозим. Фарзандлар ёшлигидан санъатга ошно қилиб тарбияланса, музей, кутубхона, театрларга ота-она ўзи бирга олиб борадиган, уларда ижодий иммунитет пайдо бўлади. Кейинчалик улар орасидан буюк санъаткорлар, машҳур шахслар етишиб чиқиши мумкин. Уйда телевизор қаршисида ёнбошлаб ётиш, уззукун телефон титлаш онинг ривожланишини секинлаштириб қўйиши тайин.

Мен серфарзанд ва камбағал хонадонда дунёга келганман. Оиламизда санъатга боғлиқ ҳеч ким йўқ эди. Косиблар, боғбонлар, карвонбошилар ўтган. Ота-боболарим мусиқа, адабиёт ёки рассомчилик билан шуғулланмаган.

– Баъзилар фарб тасвирий санъати ҳақида етарли билим ва тасаввурларга эга. Бироқ кўпчиликда ўзбек миллий тасвирий санъати, Шарқ рассомлиги ҳақида етарлича маълумот йўқ. Яқинда бир танишим, бизда тасвирий санъат соҳаси ривожига ислом таълимоти тўсқинлик қилган, шунинг учун ўтмишда бу соҳа яхши ривожланмаган, деган гапни айтиб қолди. Лекин ўтмишда бизда миниатюра санъати ривожланган-ку. Ҳатто, Камолiddин Беҳзод сингари улғу мусаввирларимизнинг асарлари Европадаги новатор рассомларга ҳам илҳом бағишлаб, уларнинг тасвирий санъатда янги йўналиш ва услубларни кашф қилишига жиддий таъсир кўрсатган, дейишди. Сизнинг бу ҳақидаги фикрингиз қандай?

– Санъатдан беҳабар одамларгина Шарқда

қадимий шахарларимизни кўришга иштиёқманд бўлгани шубҳасиз.

Камолiddин Беҳзод бутун дунёга Шарқ Рафаэли номи билан танилган. Рассомлик йўналишлари ривожига ислом дини монелик қилгани ҳақидаги фикрларга мутлақо қўшилмайман. Бу аслида муқаддас динимизни қоралаш учун ўйлаб топилган шўрвий бўҳтондан ўзга нарса эмас.

– Асарларингиз дунёдаги нуфузли музей ва кўргазмалардан, шахсий коллекциялардан жой олган. Қатор хорижий мамлакатларда ижодий кўргазмаларингиз муваффақиятли намойиш қилинганидан ҳам хабаримиз бор. Узингиз нима деб ўйлайсиз, чет элликларнинг ижодингизга бу даражада катта қизиқиш билан қарашингиз сири нимада? Умуман, хорижда ўзбек миллий тасвирий санъатига муносабат қандай?

– Мен 1987-88 йилларда Америкага элликдан ортиқ ижодий ишларимни олиб бордим. У ерда менинг асарларимга катта қизиқиш билан муносабатда бўлишди. Кўргазмага келганлар орасида санъатни тушунадиганлар ҳам, тушунмайдиганлар ҳам бор эди. Аммо одамларнинг барчасида бирдек ижодий кайфият кўрдим. Улар менга қараб фақат бир сўзни тақрорлашарди: “beautiful” – яъни “гўзал”. Билсангиз, америкаликларнинг ғалати феъли бор, яъни доим ўқиб, излаб, янги нарсаларни ўрганишга ҳаракат қилишади. Улар бIRON Кўргазма бўладими ёки бIRON рассом билан учрашув бўладими, янги суратга олинган фильм ёки нашр қилинган китоб тақдироти уюштириладими, биринчилардан бўлиб ундан баҳраманд бўлишга интилади. Умуман, кўплаб ривожланган давлатлар фуқаролари ёшидан қатъи назар, дунё кезишни қанда қилмайди, жаҳон ажойиботларидан баҳраманд бўлишга иштиёқманд бўлишади.

Афсуски, бизнинг халқимиз борган сари кутубхона, музей ва кўргазмалардан узоқлашётганга ўхшайди. Телевидение ва ахборот технологияларининг ривожланиши ёки онгу шууримизни боши-кейти йўқ маълумотлар билан тўлдириб ташлаётган ижтимоий тармоқлар бунга сабаб бўлётгандир балки. Шунинг учун одамларни музей, кутубхона ва кўргазмаларга жалб этиш йўлларини излашimiz керак. Ахир, ўз рассомларини танимаган, адаби, мусиқашуно, ҳофизларини билмаган халқнинг эртаси нима кечади?

Ҳолбуки, бугун айнан рассомлик соҳасида ўсишлар кузатишмоқда. Мусаввирларимиз, айниқса, ёш ижодкорларнинг чет давлатларга кўргазмалари сафарлари кўпаймоқда. Улар Париж, Лондон, Лиссабон, Прага каби шаҳарларда ўзбек санъатининг сеҳру жозибасини дунёга намойён қилишяпти.

Саволингизга келсак, ижодий ишларим хорижликларни нега бунчалик қизиқтиришининг сабабини ўзим ҳам аниқ билмайман. Мен мўйқаламни шунчаки қўлимга олмайман. Чизаётган ҳар бир асаримни ич-ичимдан ҳис қилиб, майда нуқтасигача аниқ тасвирлашга, ҳар бир чизилган чизмада ўзимнинг бир бўлагим яшаб қолишига эришиш учун ҳаракат қиламан. Шунинг учун бўлса керак, асарларим ҳақиқий санъатсеварларнинг эътиборидан четда қолмайди. Яна бир сабаби, санъатга қизиқиши бор ҳар қандай одам, айниқса, тарихий асарларни томоша қилишни яхши кўришади. Чунки тарих ҳамма учун бирдай қизиқ ва жозибалидир.

– Сиз бир муддат Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейида бош рассом сифатида ҳам ишлагансиз. “Хусайн Бойқаро ва Алишер Навоийнинг ёшлиги” асарингизда бу улғу инсонларнинг шарқона образини яратгансиз. Айтинг-чи, Алишер Навоий ижоди бугунги давр мусаввирлари нима бериши мумкин? Умуман, замонавий рассомларимизнинг Алишер Навоий асарлари ва мумтоз адабиётимиз намуналарига муносабати ҳақида нималар дея оласиз?

– Алишер Навоий шу қадар буюк сиймоки, унинг ижодида мурожаат қилмаган ижодкорни топиш қийин. Асарларини мутлақо қилмаган, у ҳақидаги тарихий маълумотларни билмайдиган зиёли, менимча, Ўзбекистонда йўқ. Мен лирика, назм деганда, аввало, Алишер Навоийни хаёлимга келтираман. Аслида мумтоз адабиётимизда буюк шоирлар жуда кўп ўтган. Масалан, Навоийнинг дўсти Хусайн Бойқаро “Хусайний” тахаллуси билан шеър ёзган, шоҳ ва шоир Мирзо Бобур, Ибн Сино, ҳатто Камолiddин Беҳзод ҳам шулар жумласидан.

Сиз тилга олган “Хусайн Бойқаро ва Алишер Навоийнинг ёшлиги” – илк тарихий асарларимдан бири бўлган. Устозим Чингиз Аҳмаровнинг маслаҳати билан шу кичик асарни яратганман. Негадир шу суратимни миниатюра услубида чизгим келган. Шу жиҳат устозимни лол қолдирган ва у киши: “Сендан яхши рассом қандади, бунинг учун кўп ўқи, кўп томоша қил, ҳаракатдан тўхтама”, деб насиҳат қилгани ушундай.

– Асарларингизда қаҳрамонларнинг юз ифодасига алоҳида эътибор берасиз. Улар-

нинг қиёфасида руҳий ҳолати, муносабати, киноялари ҳам кўриниб тургандай гўё...

– Ҳар бир рассом чизаётган асариде ўзини тасвирлайди. Мисол учун, қаршигизда турган “Тумарис” картинасини бошқа рассом ўзгачароқ, ўз характери ва билимидан келиб чиқиб чизган бўларди. Одатда ҳамма портретчи мусаввирлар қаҳрамонини ўзига ўхшатиб қўйишдан қўчиб, шундан эҳтиёт бўлишади.

Суратларда қаҳрамоннинг ҳиссиётлари унинг ҳаракатлари орқали ифода этилади. Бошқача айтганда, тасвирий санъат асари ана ўша ҳаракат тасвирлари орқали “сўзлайди”. Мана, “Тумарис” асарига назар солинг. Унинг душманга чексиз нафратини нафақат унинг нигоҳидаги ифодалардан, қўл ҳаракатларидан ҳам сезиш мумкин. Уни оғзини ёпган ҳолда тасвирланган, яъни бу жасур аёл жим туриб ҳайқиряпти. Рассом фақатгина кўрганларини чизмайди, кўриб туриб ҳис қилганларини мўйқаламга олади. Масалан, машҳур рассом Ўрол Тансиқбоевнинг олайлик. Унинг асосан табиат манзараларидан иборат асарлари шунчаки борлиқдан қўчирма олиб чизилмаган. Улғу мусаввир ўзи кўриб, дилдан ҳис қилган кечинмаларини тасвирлаган. Шунинг учун бўлса керак, унинг асарларига одамларнинг меҳри ўзгача. Пикассо таъбири билан айтганда, “Мен табиатдан олиб чизмайман, у билан бирга чизаман”.

– Сабоқ берган устозларингиз ҳақида ҳам гапирсангиз.

– Биринчи устозим бу – Зойир амаким бўладилар. У киши мендаги тасвирий санъатга иштиёқни ўз вақтида пайқаб, мактабга етаклаб олиб борганлар. Шундан кейин тақдир тақозоси билан рассомлар орасига тушдим, кўплаб кўргазмаларда қатнашдим, дўстлар орттирдим. Кейинчалик Чингиз Аҳмаров билан танишдим. У киши одамхон, юмшоқ табиатли инсон эди. Каттароқ деворий расмлар чизганида ўзи ишонган шогирдлари билан бирга ишларди. Тортган чизикларим ўзиникига ўхшагани учун у киши кўпинча менга суратнинг “жон томири”ни чизишни ишониб топширарди. Ҳа, бахтим шуки, биринчи устозим Чингиз ака бўлган. Кейинчалик ёш рассом Борис Ивановичдан ҳам сабоқ олдим. У киши менда бўлажак кино рассомини кўрди ва Москвада кино институтига ўқишни тавсия қилди. У ерда ҳам машҳур рус рассомларига шогирд бўлдим.

Бугун ишонч билан айтишим мумкинки, Ўзбекистоннинг буюк тарихи, жаҳон кезиб, ўз кўзим билан кўрган музейлар – менинг энг катта устозларим ҳисобланади. Юртимизнинг шонли ўтмиши саҳифалари менга чексиз завқ бағишлади, музейлардаги муҳташам санъат асарлари мени мусаввир сифатида тарбиялади.

– Устоз ижодкор сифатида ёш мусаввирларимиз ижодида қандай баҳо берасиз?

– Йилда бир мартаба иккинчи курс талабаларини устозонамга тақлиф қиламан. Бу ерни кўриш улардаги ижода иштиёқ, шижоатни қучайтиради. Баъзилари тушқунликка тушиб қолиши ҳам мумкин. Чунки шу аснода улар мусаввирликнинг қийинчилиги ва машаққатлари билан ҳам яқиндан танишишади. Рассомликнинг асосида тинимсиз ҳаракат, қаттиқ меҳнат ётади. Бу узлуksиз жараёндир. Бир-иккита асар чизиб қўйиб: “Мен энди етук рассом бўлдим”, деган хаёлга бориш жуда хато фикрdir. Талабалар устозонада ижод қилиш жараёнини тушуниб-англаб етиши учун ҳам уларни “пирхона”га тақлиф қиламан. Бўладигани зўр рассом бўлсин, бўлмайдигани вақтида бошқа ишнинг этагини тутсин, дейман. Ўртача рассом бўлиш бу – фожиа...

Ўзинг билган, англаган нарсаларни ёшларга ўргатишнинг завқи ўзгача. Шунинг учун мен қарийб қирқ йилдан буён Камолiddин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтига талабаларга дарс ўтаман. Шогирдларимнинг баъзилари аллақачон “Ўзбекистон халқ рассоми” фахрий унвонига сазовор бўлишган, бошқа биларни эса танкили дизайнер, моҳир педагог сифатида танилган. Чет давлатларда ижод қилаётганлари ҳам талайгина. Уларнинг ютуғи менга руҳ бағишлайди. Эртага менинг ортимда чизган асарларим ва етиштирган шогирдларим қолади, деган ўйдан қўнглим еришади.

– Бугун ўзбек тасвирий санъатида кечаётган ижодий жараёнлар қандай баҳо берасиз? Бу борада нималар сизни хурсанд қилади-ю, қайси жиҳатлардан кўнглингиз тўлмайди?

– Албатта, мени қувонтирадиган яхши жиҳатлар кўпайган. Мен ўқитган, мен билган ёш рассомлар ижодиде янгиликлар, гуруҳли ва шахсий кўргазмалар сони сезиларли даражада ошган. Булар айтишгагина оson. Ҳозир ҳамма ҳам бирдек меҳнат қилиб, ҳалол пешона тери эвазига топгани билан яшамапти. Рассомлик – бизнес эмас! Бу соҳада ҳалол меҳнат ва ижод бирламчи бўлиши керак. Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, мусаввирлар орасида ҳам меҳнат қилмасдан давлат ҳисобидан кун кўраётганлар ёки ўз қасбидан оson пул топиш йўлида фойда-



ланаётганлар бор. Мана шундай ҳолатлар менга маъқул эмас.

– Кейинги вақтларда юртимизда жадид маърифатпарварларининг хотирасини эъзозлаш, уларнинг шарафли фаолияти ва меросини ўрганиш ҳамда омаллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Уларга бағишланган кўплаб тадқиқотлар амалга оширилиб, илмий-маърифий, бадиий асарлар яратилмоқда. Хўш, тасвирий санъат соҳасида бу жараён қандай кечяпти?

– Жадидлик ҳаракати мени илгаридан қизиқтириб келган. Жадидлар қандай инсонлар бўлишгани, нима учун ўз жонларини қурбон қилишгани ҳақида кўп ўқиб, ўрганганман. Ёш йигит пайтимда Санъат музейидан менга ўтган аср бошларида юртимиздан етишиб чиққан машҳур ҳарбий кўмондон Миркомил Миршаропов суратини чизиб ҳақида буюртма тушди. Кутубхоналарга бориб, бу инсон ҳақида маълумотлар тўпладим. Ўзбекистон кино-фото ҳужжатлар архивига мурожаат қилганимда бир тахлама маълумотларни олдимга қўйишди. У киши ҳақида ёзилган мақолалар, суратлар, тухмат ва бўҳтонлар босилган газета парчалари дегандек...

Мен ўша пайтгача фақатгина Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон каби зиёлилар жадид бўлишган деб ўйлардим. Кейинчалик билсам, уларнинг сафи жуда кенг бўлган экан. Бошқа соҳаларда ҳам кўплаб фидойи инсонлар Ватанимизнинг истиклоли ва тараққиёти учун курашган экан. Миркомил Миршаропов ҳам ёш бўлишига қарамастан истеъдодли кўмондон бўлган. Унинг ҳаётини ўрганаётганимда қўлимга бир сурат тушиб қолди. Унда Миркомил Миршаропов ўзига ярашган ҳарбий либос кийиб, қўлида қилич ушлаганча курсида ўтирган ҳолатда тасвирланган эди. Ана шу сурат чизилмак портретни хаёлан тасаввур қилишимга ёрдам берди. Мен ўз асаримда Миркомил Миршароповни отлик ҳарбий сифатида тасвирладим. Асарни музейга топширганимда буюртмачилар ҳайрон қолишди. Чунки Миркомил Миршаропов ҳақиқатан ҳам отлик аскар бўлинмасига кўмондонлик қилган экан.

У вақтларда жадидлар ҳақида гапирishi мумкин эмас эди. Бугун Президентимиз томонидан жадидлар хотирасига кўрсатилаётган эҳтиром мени ҳам бениҳоя тўлқинлантиради. Бундай фидойи аждодларимизнинг орзу ва армонлари бугун тўла-тўқис рўёбга чиқмоқда. Биргина “Jadid” газетасининг ташкил этилиши замирида ҳам жуда катта рамзий маъно бор. Биз маърифатпарвар боболаримиз ҳақида ҳар қанча гапирсак, шунча оз. Санъат, адабиёт, илм-фан орқали уларни халқимизга янада яқинроқ танитишимиз керак. Мен ҳам бу жараёнда иштирок этиш истагидаман. Яъни шу кунларда жадид намоёндаларининг портретларини чизишни режалаштириб турибман.

– Мана, ҳозир табаррук ёшдасиз. Бу ёшда ҳар қандай инсон ортига назар солиб, босиб ўтган ҳаёт йўлини сарҳисоб қилиши табиий.

– Одамзод ёшини ўзи ҳисоблайди, аммо ижодкорнинг ёшини унинг яратган асарлари, эришган ютуқлари белгилайди. Ҳамма нарсанинг ўз вақти бор. Бугун талабаларимга ҳам замон шиддат билан ўтиб кетаяпти, ижодга улғириш керак, тинимсиз ҳаракат қилиш, ўқиб-ўрганиш вақтдан унумли фойдаланиб қолиш лозим, деб кўп насиҳат қиламан. Ҳаётда ижодкор ўздан яхши ном ва яхши асарлар мерос қолдириши шарт.

– Ижодий режаларингиз ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

– Ижодий ишларимнинг ҳар бирида жонажон Ўзбекистонимиз, унинг тарихи, миллийлигини акс эттиришга ҳаракат қиламан. Пикассога ўхшатиб чизсам ҳам асарларимда ўзбекона руҳ фуқуриб туришини истайман. Ижодкорга янги гоғлар оsonдан тушиб қолмайди, уни излаш керак. Бунинг учун рассом истеъдодли ва чуқур билим эгаси бўлиши лозим. Ёнғ асосийси, ижодкор ўз Ватанини сийдиқидан, самийий севishi зарур. Мусаввир асарларида Ватанига чексиз муҳаббатини рўйи-рост кўрсатиши зарур. Ватанини севаган одам чин ижодкор бўлолмайди. **Васила ҲАБИБУЛЛАЕВА сўхбатлашди.**



# ЖОНИМ ВАТАН, ТАНИМ ВАТАН, КЎЗИМ ВАТАН

Бошланиши 1-саҳифада.

Мазкур ғазал Сирожиiddин Сидқий Хондайликийнинг "Маънавият" нашриёти томонидан 1998 йилда "Истиқлол қахрамонлари" туркумида чоп этилган "Танланган асарлар" китобининг "Ишқий лирика" фаслида, "Ғазаллар" бобининг тўқсон иккинчи ғазали сифатида тўпламга киритилган. Китоб ғазаллардан ташқари "Ижтимоий шеърлар", дoston, ҳажвиёт, ибрат ва ҳикматлар, воқеий ҳикоялар, "Зарбулмасали Сидқий"дан намуналар, қайдлар, таржима ва насрий қиссалар, шунингдек, "Ҳолоти Сидқий" номли таржимаси ҳол сингари фасллардан тартиб берилган. Айтиш мумкинки, бу китоб Сидқий бобонинг ўша пайтга қадар тугал-тўқис бўлмаса-да, яхлит муқова остида чоп этилган ягона муқамал асарлари маъмуот сифатида алоҳида аҳамиятга эга эди. Тўпламини нашрга тайёрлашда, изоҳлар ва луғат тузишда катта меҳнат сарфлаган захматкаш олимимиз Беғали Қосимов билан Рамида Жавҳарованинг "Дин ва дунёни ушлаган шоир" сарлавҳали сўзбоши-муқаддима-си Сидқий Хондайликийнинг машаққатли умр йўли, ранжу синовларга тўла ҳаёти ва сермахул ижодиётидан тўқик ва муқамал маълумот бериши билан муҳимдир. Мазкур батафсил тадқиқотнинг Сидқий домла таваллудининг 140 йиллиги муносабати билан янада тўлиқроқ ва кенгроқ тайёрланган "Сайланма" китобига ҳам киритилгани, айниқса, таҳсинга сазовор.

"Таббу"га қайтадиган бўлсак, шоирнинг шеърлари мени бутунлай ром этган эди. Бир томондан у кишига одошлигимдан ғурурланиб, далда олиб юрган бўлсам-да, ғазалларига барча

талабларга жавоб берадиган муҳаммас – росмана қонуний таҳмис боғлаш фикридан воз кечдим. Гап шундаки, ғазалдаги, юқорида тамсил келтирилганим "От-эшақда ўрдан-қирдан бугдой ташиб" сатридаги "от-эшақ" сўзлари ҳеч ўтиришмади ўтиришмади-да! "От-улов" деб ўзгартирса ҳам бўлар балки, лекин бу жонворнинг, беозор ва меҳнаткаш бу жониворининг айби нимада?.. Муаллифдан изн сўраб бўлмас, қолаверса, бор гап борлигича айтиб бўлинган бўлса... Алалхусус, эркинроқ йўлни танлашга қарор қилдим. Таҳмис боғлаганим, ўзимнинг ҳам кўнглим тўлмаган биринчи нусхадан ҳам воз кечишга тўғри келди. Демак, таббу ва ёки тазминга тўхталамиз. "Навоий асарлари луғати"да бундай изоҳларни ўқиймиз: "Тазмин" арабча сўз бўлиб, бировнинг маълум бир шеърининг айрим мисраларини ўз шеъри ичига киритиш". "Таббу" арабча бўлиб, эргашмоқ, изидан бормоқ, назир, ўшатиш қилмоқ ёки жавобига деган маъноларни билдиради экан.

Мумтоз шеърятимизда Мир Алишер Навоий бобомизнинг Шайх Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Камол Хужандий, мавлоно Абдурахмон Жомий сингари улуг шоирларнинг ғазалларига татаббуълари маълум ва машҳурдир.

Ўтган аср ва ҳозирги замон ўзбек шеърятининг, Фурқат, Муқимийнинг бу йўналишдаги асарлари, Ғафур Ғулومнинг "Навоий ҳам ётар то рўзи маъшар тарки хоб айлаб" мактаъли ғазалига битган гўзал татаббуъси, Эркин Воҳидовнинг америкалик ўзбек шоири Эргаш Учқун шеърига битган "Туркистон бозори", Завқена оҳанглардаги "Ажаб эрмас" сингари назиралари, Абдулла Ориповнинг ҳазрат Навоий ва Махтумқули

шеърларига ёзган "Бўлдило", "Айрилмас" сингари тазминлари татаббуъ усулининг гўзал намуналари була олади.

Устозлар мактабидан сабоқ олган ҳолда, уларга ҳавас қилиб, мен ҳам бу йўлда баъзи бир машқларга, ури-нишларга жазм этган эдим. Ўзимни истак-хоҳишларим, ҳавас ва ҳаракатларим улароқ, маълум тажриба ва на-тижаларга ҳам эришгандай бўлдим, деб ўйлайман.

Ҳар шеър ё асар ўз давру замони билан туғилади, дердилар устозлар. Замон ўзгармоқда эди, давр улғувор янгиланишлар сари юз тутмоқда эди. Яна ушбу муҳаммаснинг қадрли жиҳати шунда эдики, мен уни илк мартаба 2016 йилда "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида Конституциямиз байрамига бағишлаб ўтказилган тантанали анжуманда муҳташам сахнада ўқиш бахтига мушарраф бўлганимдан бахтиёр эдим.

Шеър ва унинг ижроси анжуман аҳли томонидан яхши қабул қилинди. Муҳаммас илк имтиҳондан ўтгандай бўлди.

Хулоса шулки, Усмон Носир "Сен – Лайлисан шеърим, мен Махжун" дебон жўяли эътироф этганидай, шоир киши ўзга муаллифларнинг шеърини ҳам ўз шеърини севгандай яхши кўрсагина, бирор мурод ҳосил бўлмоғига амин бўлиб турибман. Сўзнинг уволи ҳам, савоби ҳам бўйинимизда. Ҳўкмфармолик азиз ўқувчиға ҳавола. Шоир бободан изн ва узр сўраган ҳолда, демак, мана сизга тазмин-муҳаммас ва... айтилганидек, татаббуъ-тахмис ҳам шу бўлур. Сидқий Хондайликий бобонинг муборак айёмлари азиз элдошларимизга қутлуг бўлсин деймиш.

Ватан менинг ярқираган кўрғон ерим,  
Ою офтоб мангу кўрғон кўрғон ерим.  
Эсдан чиқар бошқа ҳамма кўрғон ерим,  
Ватан менинг туққон ерим, турғон ерим,  
Униб-ўсиб, ўйнаб-қулиб юрғон ерим.

Инсонийлик деган қадим зироатлар,  
Орият ҳам ориятга риюатлар,  
Шунда унган, айтсин кўҳна ривоятлар,  
Етмиш пуштим тиклаб кетган иморатлар,  
Тарбиятнинг биносини кўрғон ерим.

Онамсан деб, изларингни кўзга суртсам,  
Болам десанг, сувларингдай мавжлар урсам,  
Тоғларингдай баланд-баланд ўйлар сурсам,  
Қайда бўлсам, қайда турсам, қайда юрсам,  
Мангу ўйнаб кўзда жавлон урғон ерим.

Жаҳон кезар жамолинга кўёш тўймай,  
Майсанг бўлиб сенинг учун нечун кўймай?  
Дилмдан ҳам, тилимдан ҳам номинг кўймай,  
Жоним бирлан, таним бирлан нега сўймай,  
Роҳат яшаб, соғлом яшаб юрғон ерим.

Кафтларимни очиб оқшом ҳилолинга,  
Юзга суртгум камол истаб камолинга,  
Дахлдорман элинг – нони ҳололинга,  
Таъзим айлаб заҳмат чеккан чумолинга,  
Саждагоҳим, саждага бош урғон ерим.

Беҳиштларга опа-сингил фаслларинг,  
Бўй талашиб ўсган янги наслларинг,  
2011-2016

Бунча ширин, бунча дилбар васлларинг,  
Улуғларинг асрларга қасрларинг,  
Қасрлари асрларни кўрғон ерим.

Боболардан мерос меҳру шафқатимсан,  
Қатлам-қатлам илму ҳадис, ҳикматимсан,  
Матонатдан бино бўлган давлатимсан,  
Ғуруримсан, орим, шаъну шавкатимсан,  
Дунё юзин шараф-шонга бурғон ерим.

Бугдой бошоғидай унган сўзим – Ватан,  
Кимман ахир сенсиз мен бир ўзим, Ватан?  
Олам аро менинг ёруғ юзим Ватан,  
Жоним Ватан, таним Ватан, кўзим Ватан,  
Даврон кўриб, давру даврон сурғон ерим.

2011-2016

Сирожиiddин САЙИД,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси,  
Ўзбекистон халқ шоири

## ФАРҒОНАДА АДАБИЁТ БАЙРАМИ

Бошланиши 1-саҳифада.

Не-не анжуманларга шоҳид бўлган Кўқон театр биноси адабиётнинг асп мухлислари билан гавжум. Анжуманда Фарғона вилояти ҳоқими ўринбосари Хуршид Аҳмедов сўзга чиқиб, адабиёт халқ маънавиятини юксалтирувчи, тилини ривожлантирувчи, миллатни тарбияловчи қудратли восита эканлигини, бундан кейин ҳам устоз ва ёш ижодкорлар кўллаб-қувватланишини айтиб ўтди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Қахрамони Иброҳим Ғафуров, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари

Минҳожиддин Мирзо ва бошқалар ўзбек мумтоз адабиёти намоёндаларини хотирлаш, бугунги кунда қизгин ижодий фаолият юритаётган шоир ва ёзувчиларни ардоқлаш юртимизда адабиётга бўлган эътибор, ижодкорларга ғамхўрлик ифодасининг юксак намунаси эканини алоҳида таъкидлашди.

– Давлатимиз раҳбари "Адиблар хиёбони" очилишида "адабиёт халқнинг юраги" деб айтгандилар. Ана шу юрак ичида Фарғона, Кўқон адабий муҳитининг буюк намоёндалари ётибди, – дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Минҳожиддин Мирзо. – Кўқонда адабиёт байрами

ўтишида рамзий маъно бор. Бу байрам ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, камолга етказишда катта аҳамиятга эга.

Анжуманда улуг алломалар, марҳум ижодкорлар билан бирга, бугун етук асарлар яратётган Ҳамид Бурҳонов, Носир Зоҳидов, Каримабегим, Абдулатиф Муҳаммад каби шоир ва адиблар ҳақида эътироф сўзлари айтилди.

Адабиёт байрами Фарғона, Марғилон шаҳарларида давом этиб, нафис мажлислар назм ва наво кечаларига уланди.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,  
(ЎЗА)

КЎРГАЗМА

## ЛАҲЗАЛАРГА ЖО БЎЛГАН УМР

Яқинда пойтахтимиздаги Фотосуратлар уйда Ўзбекистон бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, график рассом Нусратулла Абдуллаевнинг "Унутилмас лаҳзалар" номли шахсий кўзгасмаси бўлиб ўтди. Кўргазмада рассомнинг саксондан ортиқ рангтаъсир ва график асарлари, қатор китобларга ишланган муқова ва иллюстрациялари намойиш этилди.

Кўргазма муаллифи Нусратулла Абдуллаев узоқ йиллардан буён Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида талабаларга сабоқ бериб келади. Унинг рангтаъсирда ишлаган асарлари ўзига хос услубга эга.

График асарлари орасида "Пахтаном" туркуми алоҳида эътиборни жалб қилади. Туркумда жамиятимизда кечган пахта сиёсати билан боғлиқ турли воқеа ва ҳодисалар тўлақонли тасвирланган. Ундаги мавзулар мантиқий жиҳатдан бир-бирини тўлдиради. Қоғозда оддий қора қаламдан фойдаланилган бўлса-да, ундаги ҳар бир чизиқ, тасвирланган воқеаларнинг ўзи сингари муҳим.

– Мазкур кўргазма етмиш йиллик умрим ҳисоботи ўлароқ ташкил қилинди, – деди мусаввир. – Истардимки, келган ҳар бир инсон ижодий ишларимдан ўзи учун фойдали ниманидир олиб, ниманидир топиб, кашф қилиб кетсин. Рассом табиатда бўлаётган ҳар қандай ўзгаришга ўз муносабатини асарлари билан ифодалайди. Ўтган лаҳзалар шу асарларда муҳрланиб қолади, бўёқлар тарихни сўзлайди. Инсонни азиз хотираларга бошлайди.



– Ҳар бир ижодкорнинг ўз танлаган йўли бўлади ва ҳамма ҳам танлаган йўлининг охиригача боролмайди, – деди тадбирда сўз олган Ўзбекистон бадий ижодкорлар уюшмаси раиси Иброҳим Валихўжаев. – Нусрат ака нафақат ўз йўлини топган, балки кўллаб ёшларни ҳам йўналтирилган, рассом бўлишига ҳисса қўшган ижодкордир. У асарларида литография, линография, акварель, қалам тасвир услубидан моҳирона фойдаланадиган ўзига хос график рассом. Нусрат ака каби ижодкорлар келажак авлодга йўналиш кўрсатувчи йўлчилик бўлиб хизмат қилади.

Муҳбиримиз.

САНЪАТ

Бугун замонавий тасвирий санъатга янги йўналишлар, янги ифода усуллари шитоб билан кириб келмоқда. Бундай ўзгаришлар ортида, аввало, тезкор замон руҳи, қолаверса, соҳага дадил қадам қўяётган ёш ижодкорларнинг ўзига хос фикрлаши, тасвирда ранг-барангликка, муҳими, мустақил ижодий йўлини яратишга бўлган интилиши турибди.



## БИЕННАЛЕ – МУЛОҚОТЛАР ЖАРАЁНИ

Айни пайтда тажрибали рассомлар ва ҳайкалтарошлар ижодиди ҳам замон билан ҳамнафасликка интилиш кузатилаётир.

14–18 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган, "Санъат ва дунё" деб номланган X Халқаро замонавий санъат биенналесиди намойиш этиладиган турли мавзудаги асарлар рассомлик санъатида юз бераётган янгиланишлар хусусида янада кенгроқ ва аниқ фикр-мулоҳазалар уйғотишига шубҳа йўқ.

Куни кеча пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган анжуман мазкур Халқаро биенналега бағишланди. Ўзбекистон Бадий академияси раиси, халқ рассоми Акмал Нуриддинов биенналенинг аҳамияти ҳақида сўзлар экан, жумладан, шундай деди:

– Бутун дунёда, Ўзбекистонда ҳам барча соҳаларда ривожланиш давом этмоқда, Юртимизда бугун бошқа соҳалар қатори тасвирий санъат ва ҳайкалтарошликда ҳам жиддий ўзгаришлар юз берапти. Айниқса, бу соҳада истеъдодли ёшларнинг кўпаяётгани бизни қувонтиради, бизга умид бағишлайди. Шунинг учун ҳам навбатдаги биенналеда катта ёшдаги ижодкорларимиз билан бирга юртимизда ижод қилаётган, энди санъатга кириб келаётган ёшлар ижодини ҳам кўрсатишга журъат қилдик. Биеннале – аввало, мулоқот жараёни. Чунки чет эллик ҳамкасбларимиз билан ҳамма вақт ҳам мулоқот қилиш имконияти бўлавермайди. Ижодкорларга шундай муҳим мулоқот жараёнини яратиб бераётган Президентимизга миннатдорлик билдираимиз. Чунки давлатимиз томонидан биеннале ҳар томонлама кўллаб-қувватланиб, ижод ва Ўзаро мулоқот учун зарур шароит яратиб берилаяпти.

Халқаро биеннале ҳайъати аъзолари чет эллик бешта мутахассисдан иборат. Мазкур анжуманда юртимиздан элликдан ортиқ ижодкор, чет элдан эса ўттиз нафар рассом, шунингдек, онлайн тарзда 28 та мусаввир қатнашиш истагини билдирган.

Биенналеда дунёнинг Франция, Баҳрайн, Германия, Жанубий Корея, Хитой, Буюк Британия, Австралия, Қирғизистон, Япония, Венгрия, Грузия, Туркия, Италия, Мексика, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Арманистон каби элликдан ортиқ мамлакатдан рассомлар ва мутасадди ижодкорлар қатнашиши кутилмоқда. Асосий тадбирлар Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида, Иқоу Хирояма халқаро маданият карвонсаройи, Тошкент фото уйи, Камолиддин Бехзод номидаги Шарқ мини-атюра санъати музейи, "Академия" галереяси, шунингдек, Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида бўлиб ўтади.

Гулчехра УМАРОВА





# ЗИЁСИ БИР ЎЗБЕК БИЛАН ТУРКМАННИНГ

Бошланиши 1-саҳифада.

Муқаддас дини, урф-одат ва анъаналари уйғун икки халқнинг адабиёти, маърифат ва маънавияти ҳам бир-бирига туташиб кетганлиги ҳар доим қалбимизга гурур бағишлайди.

Ўзбек халқининг буюк даҳоси ҳазрат Алишер Навоий ўзининг “Ҳазойин ул-маоний” девонидида туркманларни улуғлаб ғазаллар битгани қалбимизда чексиз фахр-ифтихор уйғотади. Ўз навбатида, биз улуғ туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули Фироеийнинг ҳазрат Алишер Навоийни ўзига устоз деб билганидан ҳам гурурланамиз. Шунингдек, Махтумқули Фироеий ўзбек заминидан етишиб чиққан Баҳоуддин Нақшбандий, Зангиота, Саид Мирқулпол, Сулаймон Боқиргоний каби улуғ тасаввуф намояндаларини ўзининг маънавий раҳнамолари деб ҳисоблагани ҳам туркман-ўзбек дўстлиги нақадар чуқур илди отганидан дарак беради.

Бу дўстлик, биродарлик бизнинг давримизда янада юксак чўқиларга кўтарилаётганини кўришимиз мумкин. Ҳозир икки давлат ўртасида иқтисодий, маданий ва маърифий алоқалар янги босқичларда ривожланиб борапти. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 февралдаги “Буюк туркман шоири Махтумқули Фироеий таваллудининг 300



йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори ҳар иккала давлат халқларини тўлқинлантириб юборди, десак муболаға бўлмайди. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида қатор тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Жойларда махтумқулихонлик кечалари зўр тантаналар билан давом этмоқда.

Махтумқули ўзбек халқининг ҳам севимли, ардоқли шоири саналади. Азалдан ҳар бир хонадонда шоирнинг китоблари

эъозланиб, шеърлари ёддан ўқилиши фикримизнинг ёрқин далилидир.

Тарихдан маълумки, Махтумқули даҳосига муҳаббат ўзбек халқининг ҳар бир тўй ва маросимларида намоён бўлиб келган. Қўлига тор олган санъаткор бўлсин, у Махтумқули шеърларини ҳам қўшиқ қилиб куйлаш орқали халқимиз эътиборини қозонади. Махтумқулихонлик кечалари ўтказиш анъанаси эса, ҳозир ҳам илҳом ва илҳом эҳтиб келатгани ана шу муҳаббатнинг юксак намунаси.

Юртимизнинг маърифатпарвар инсонлари Махтумқули ижодини ўрганиш, тадқиқ қилиши ўзларининг маънавий вазифаси қилиб белгиланган. Ана шу вазифалар заворидида адабиёт соҳасида махтумқулихонлик илҳом тараққий этиб келмоқда. Бу эса, шоир илҳами сурган эзгу ғояларни очиб бериш, ёш авлодга тушунтириб, уларни маънавий баркамол қилиб тарбиялашда катта аҳамият касб этмоқда.

Яқинда “Хоразм ёшлари” нашриёт-матбаа уйи томонидан Махтумқули таваллудининг 300 йиллик тўйи муносабати билан учта тўхта ҳозирлангани ҳам ана шундай хайрли ишларнинг давоми сифатида аҳамиятлidir. Воҳалик ижодкор-таржимон Воҳид Султон нашрга тайёрлаган Махтумқули сайланмасининг I жилди 25 босма табоқда чоп этилган. Эътиборли жиҳати шуки, ушбу сайланма туркман ва ўзбек

тилларида китобхонларга тўхта қилинди. Шунингдек, тўртқўллик махтумқулихон, шоир ва таржимон Исроил Бобононовнинг “Махтумқулига эҳтиром” номли китоби ҳам ўзбек ва туркман тилларида нашр этилди. Махтумқули сайланмасининг II жилди эса, ана шу шарафли ишларнинг давоми саналади. Махтумқули сайланмаларида шоирнинг аслиятдаги шеърлари ва уларнинг ўзбекча таржимаси билан танишиш мумкин.

“Махтумқулига эҳтиром” китобида эса шоирнинг ҳаёт йўли атрофлича ёритилиб, унинг ҳикматлари таҳлил қилинади. Ул зотнинг тасаввуф намояндаси – улуғ сўфий, авлиё эканлиги мазкур тадқиқотлар орқали очиб берилган.

Ушбу салмоқли адабий мажмуалар Туркманистон ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва биродарликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз. Зеро, дунёда дўстлик, яхши қўшничиликдан улуғ неъмат йўқдир.

*Бир дарёдан ҳовучлаб сув ичган эл,  
Дарёси бир ўзбек билан*

*туркманнинг.*

*Ою кўёш нурлари тенг тушган эл,  
Зиёси бир ўзбек билан*

*туркманнинг.*

Эрпўлат БАХТ

## Махтумқули, халқ ёдидан айрилма!

### КЕТСАНГ

Дедим: “Юзи тобоним”. Деди: “Гўё Менглихон!”  
Дедим: “Кўйдинг армонга”. Деди: “Кўнгилдур вайрон”.  
Дедим: “Уларман энди”. Деди: “Қоларсан омон”.  
Дедим: “Киприкларинг ўқ”. Деди: “Қошларим камон”.  
Дедимки: “Либос киймиш”. Деди: “Тўни зарафшон”.

Дедим: “Юзда холлар бор”. Деди: “Юзда гуллар, ҳай”.  
Дедим: “Кумри забондир”. Деди: “Шаҳдир тиллар, ҳай”.  
Дедим: “Кел, хабарлаш”. Деди: “Сезар эллар, ҳай”.  
Дедим: “Ул не сарвдир”. Деди: “Нозик беллар, ҳай”.  
Дедим: “Товус не жойдин?”. Деди: “Жойи – Ҳиндистон”.

Дедим: “Кечанг қоронгу”. Деди: “Уйқуда ойм”.  
Дедим: “Кимлар ясовул?”. Деди: “Кипригим – ёйим”.  
Дедим: “Қайда масканинг?”. Деди: “Ломакон жойим”.  
Дедим: “Зарафшон эрур?”. Деди: “Кавсардир лойим”.  
Дедим: “Ундан бер манга”. Деди: “Истармиш бечон”.

Дедим: “Бу не тутундир?”. Дедики: “Қора морлар”.  
Дедим: “Кўрқаман ундан”. Деди: “Элу юрт чорлар”.  
Дедим: “Сўзинг аслини”. Деди: “Сўрар, тўялар”.  
Дедим: “Сирни фош этдинг”. Деди: “Айтмиш айёрлар”.  
Дедим: “Улим бор сенга”. Деди: “Сенга ҳам фармон”.

Дедим: “Эй Махтумқули!” Деди: “Кўзлар ёш бўлар!”  
Дедим: “У не йигитдир?”. Деди: “Сизга бош бўлар”.  
Дедим: “Яқиндир Каъба?”. Деди: “Эски тош бўлар”.  
Дедим: “Яхши замондир”. Деди: “Бу ҳам туш бўлар”.  
Дедим: “Энди кетарман”. Деди: “Кетсанг, бор омон”.

### КҮРИНГ

Ҳар йигитнинг аслин билай десангиз,  
Маъракада ўтириб-туришин кўринг.  
Биров билан ошно бўлай десангиз,  
Аввал ўз сўзида туришин кўринг.

Узоқ-яқин йўлга борар бўлсангиз,  
Мардлик қиличини солар бўлсангиз,  
Бир бедовни сайлаб олар бўлсангиз,  
Сийнасин, сағрисин керишин кўринг.

Бир пул тушса бир ифлоснинг кўлига,  
Кўксин очиб, кезар қишинг елига,  
Харидор бўлсангиз кизга, келинга,  
Адабин, икромин, ўтиришин кўринг.

Мард йигитнинг от-яроғи шай бўлса,  
Етишар ҳар ерда ҳайда-ҳай бўлса,  
Ўзи Ҳотам бўлиб, яна бой бўлса,  
Чор атрофдан меҳмон келишин кўринг.

Бир нечани қилдинг моли бисёри,  
Бир нечани қилдинг бир пулнинг зори,  
Яхши-ёмон – одам зотининг бори  
Навбат билан ўтиб боришин кўринг.

Тангри безор, билинг, закотсиз бойдан,  
Сиз ҳам қочинг зинҳор ул келар жойдан,  
Мардга бир иш тушса, кўрар Худойдан,  
Номарднинг ҳамроҳдан кўришин кўринг.

Номард юрар мудом ўлимдан қочиб,  
Уйига келганда захрини сочиб,  
Мард йигит меҳмонга кучоғин очиб,  
Номарднинг меҳмондан қочилин кўринг.

Золимлар унутар зикри Оллони,  
Арзон олиб, қиммат сотар ғаллонни;

Судхўр ноинсофлар ҳалол тиллони  
Ҳаром фойдасига беришин кўринг.

Мард йигитнинг иши суҳбат – соз бўлар,  
Кўнгли қиш бўлмайин, доим ёз бўлар,  
Яхшининг кўнглида гина оз бўлар,  
Ёмоннинг кунда бир урушин кўринг.

Қадрдон, қардошдан узоқда туриб,  
Қадрсиз ёт билан қариндош бўлиб,  
Махтумқули, носозларга дуч келиб,  
Хўжанинг, саййиднинг юришин кўринг.

Жуманиёз ШАРИПОВ таржимаси

### АДОЛАТ ЯХШИ

Асло одамзодга аччиқ сўз қилманг,  
Фақиру мискинга далолат яхши.  
Бахилга учраманг – кулар юз бўлманг,  
Ишни битирмоққа кифоят яхши.

Етимни кўрганда кулар юз бўлгин,  
Қўлдан келса, унга таом-туз бергин,  
Ғамгинни кўрганда ширин сўз бергин,  
Чорасиз кулларга ҳимоят яхши.

Йигит улдир, сўзга айласа амал,  
Қўлдан келмас ишга этмаса жадал,  
Аллоҳнинг амрига қилмагил бадал,  
Бекка – сахо, шоҳга – адолат яхши.

Ғариблик бир дарддир – одам ўлдирмас,  
Ўлдирмас, ҳаётда лекин кулдирмас,  
Бурига ажзини ит ҳам билдирмас,  
Албатта, душманга сиёсат яхши.

Махтумқули, шукр, ширин тил берди,  
Дарахтлар кўкариб, самар, гул берди,  
Гўрўғли Райҳонга қандай ёлборди? –  
“Омонлик” деганга диёнат яхши.

Мирзо КЕНЖАБЕК таржимаси

### АЙРИЛМА


Маст бўлиб юрганча бегона юрда,  
Униб-ўсган ўз юртингдан айрилма.  
Мағрур қалқиб каби нафс деган дардда  
Домга тушиб, қанотингдан айрилма.

Таваккал эт – халққа сиринг бериб бор,  
Сабрли бўл, бесабрлик ҳам бекор,  
Ҳар қаерга борсанг, насибангдир ёр,  
Бой бўлай деб, иззатингдан айрилма!

Номардлар ҳам ярамаслар, ночорлар,  
Тўзинг ичиб, ишинг бўлса қочарлар,  
Сирингни фош этиб, айбинг очарлар,  
Қадринг билган улфатингдан айрилма!

Гадоларнинг кўнгли шоҳликни тилар,  
Нодон кўнгли ёлғон сўзни рост билар,  
Беқадрлар душманинга дўст бўлар,  
Таълим берган устодингдан айрилма!

Биров қашшоқ бўлиб, биров бой бўлар,  
Ҳар кишининг бахти-иқболи кулар,  
Бошга нима келса, тилингдан келар,  
Махтумқули, халқ ёдидан айрилма!



МАХТУМҚУЛИ

### ОШИҚ БЎЛМИШАМ

Эй, ёронлар, бир юзи гул оя ошиқ бўлмишам,  
Барчанинг мақсуди – гул-раъно ошиқ бўлмишам,  
Булбулам боғ ичра – бир ғавғоя ошиқ бўлмишам,  
Ўзи ғойиб, зулфлари ялдоя ошиқ бўлмишам,  
Манзилим боғ ичрадир, саҳроя ошиқ бўлмишам.

Қай куни келтирди чарх мени фано тупроғина,  
Қуйди бағрим доимо Макка-Мадина тоғина,  
Булбул ўлдим, сайрадим, кирдим Эрамнинг боғина,  
Мубтало ўлдим у кун ғам аҳлининг тузоғина,  
Юз бало, кулфат-ла бир савдоя ошиқ бўлмишам.

Кўнглим ичра ёр ғамидир – манзилим саҳрода, ҳай,  
Кийганим ғам-ғуссадир – айланмишам Фарҳода, ҳай,  
Солди ишқинг, дилбаро, жону жигарим ўда, ҳай,  
Водариғо, кечди умрим зоеъ – бердим бода, ҳай,  
Оҳи кўп, афғони кўп бир кўя ошиқ бўлмишам.

Билмадим: не баҳру бардир, не муаззам тоғдир-эй,  
Олди кўнглим, кетди ақлим, тан мудом носоғдир-эй,  
Ўхшаши йўқдир унинг ҳеч – кумри, булбул, зоғдир-эй,  
Сочининг ҳар тори юз минг эр учун тузоғдир-эй,  
Қадди-қомати баланд, зебоя ошиқ бўлмишам.

Дўст, ҳавои васлини мен мунча чандон истарам,  
Доми зулфинг қасдина ўзимни зиндон истарам,  
Дема ғамдан бир замон кўнглими хандон истарам,  
Бир ғариб ошиқ манам, ёр, сани сандан истарам,  
Кечаю кундуз, билинг, ҳу-ҳоя ошиқ бўлмишам.

Истамас ёрим мени – ул ёра зорим йўқ менинг,  
Қолмишам ҳайрон бўлиб, ўзга мадорим йўқ менинг,  
Олди жоним ишқинг ўти – ихтиёрим йўқ менинг,  
Келса – ақлимни олар, кетса – қарорим йўқ менинг,  
Ғамзаси – ўқ, қошлари ул ёя ошиқ бўлмишам.

Айтадир Махтумқули: ман унда қона учрадим,  
Сайр этиб бордим чарх узра – ломакона учрадим,  
Чун мени расво қилибдир, ишқи қона учрадим,  
Етмиш икки, шаҳр ила минг бир дукона учрадим,  
Шунча саргардон сафилу зоя ошиқ бўлмишам.

Эргаш ОЧИЛОВ таржимаси



ТАДКИҚОТ

“Миллий ғоя”нинг фалсафий маъноси бир миллатнинг бирлашуви ва миллий ўзликини англаб етиши билдиради. Жадидлик ҳаракати асосчиларидан бири Исмоил Ғаспралига кўра, миллий ғоя миллат тараққиёти учун зарур ва энг муҳим ишларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган дастлабки пойдевори яратилиши аниқлаштирилади. Ғаспралининг Туркистондаги энг яқин ҳаммаслаги Маҳмудхўжа Бехбудийнинг таъкидлашича, таълим мактаблари ва миллатнинг ислоҳ этилиши миллий ғоя бўлиб, уни тарғиб қилиш миллатнинг ҳар бир вакили учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Ёш авлоднинг жаҳон тилларини чуқур ўзлаштириши ўз иқтидорини намоён этишининг асосий йўлларида бири. Шундай бўлса-да, бугунги кунда жадид маърифатпарварларнинг бошланғич таълими она тилида беришга мўлжалланган дастури ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Жадидлар ушбу дастурни тизимли амалга оширишда миллат фойдаси учун кераклик “умуммиллий ғоя” ишлаб чиқиш ва уни тарғиб қилиш йўллари қидирди. Ўз навбатида, миллатни муҳим бир “умуммиллий ғоя” остида бирлаштириш ишига жамиятнинг зиёли қатламини кенг жалб қилиш зарур эди.

Даставвал жадидлар ўз ғояларини тарғиб қилишда энг муҳим восита бўлган хайрия жамиятларини тузишга киришди. Туркистонда мусулмон хайрия жамиятларининг тарихи XIX асрнинг сўнгидан бошланади. Самарқанд шаҳар қозиси Низомиддинхўжа ташаббуси билан 1894 йили 1500 сўм маблағ жамланиб, маҳаллий аҳоли учун “Дорул-ожизин” таъсис қилинди. Орадан икки йил ўтиб, 1896 йили Фарғона вилояти Ўш шаҳрида маҳаллий мусулмонлар томонидан биринчи “Дорул-ожизин” ташкил этилди. Ушбу “Дорул-ожизин”нинг молиявий таъминоти шаҳар савдогарлари ўз зиммаларига олишган. Юқоридаги маълумотлар Туркистон генерал-губернаторлигида маҳаллий халқ ташкил этган замонавий хайрия муассасалари тўғрисидаги илк газета хабарлари бўлиб, бу “Дорул-ожизин”ларнинг асосий вазифаси шаҳар аҳолисининг ёрдамга муҳтож қатлами иссиқ овқат ва бошана билан таъминлашдан иборат эди. 1897 йили амир Абдулаҳадхон ҳам Бухоро шаҳрида кам таъминланган ва ногиронларга мўлжалланган “Дорул-ожизин” таъсис этди. Бу хайрия муассасасида муҳтожларга икки маҳал иссиқ овқат амари ҳисобидан берилар эди. Айни шу вақтдан эътиборан Туркистонда маҳаллий халқларнинг замонавий мусулмон хайрия тизимида янги давр бошланди.

Туркистонда кенг қамровли замонавий хайрия жамияти таъсис қилиш масаласи биринчи бор 1906 йили “Тараққий” газетасида кун тартибига бўлишди. Ана шундай кенг қамровли мусулмон хайрия жамияти орадан 3 йил ўтиб, 1909 йили 15 июль (айрим маълумотларда 10 август) ости Тошкентда “Жамияти маъсаса” номи қилинган жорий қилинди. Ушбу муассаса

# ЧИН ЗИЁЛИ ҒОЯСИ

## ёки жадидларнинг хайрия жамиятлари ҳақида



таъсисчилари бошида Тошкент жадидларининг етакчиси Мунаввар қори Абдурашидов турди. “Жамияти имдодия”нинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлган: 1) маҳаллий халқнинг барча қатламлари таълим олиши учун турли йўналишдаги мактаблар ташкил этиш; 2) йўқил болалар ва етимларга ғамхўрлик қилиш; 3) турли бошланалар бунёд этиш; 4) мусулмон талабаларига моддий ёрдам кўрсатиш ва ҳоказо.

Албатта, ҳар қандай хайрия ишени амалга ошириш учун маблағ, дастак лозим. Шу маънода Бехбудий матбуот саҳифаларида эълон қилган ўнлаб мақолаларида савдо ва ишлаб чиқариш вакилларини бошланган хайрия ишларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга даъват қилади. У шундай мақолаларидан бирида “... Турли даврларда тараққиёт ва ислохотларни сармоя ва унинг вақиллари дастаклаб келган. Миллатга далда бериш, мактаблар ислоҳи, ёшларимизни Европа олий ўқув юрталарига киришларига тайёрлаш, умуммиллий ишларни амалга ошириш учун бизга “Хайрия жамиятлари”, кутубхоналар, жамғармалар, турли тўғарақлар, газеталар, журналлар, наشريётлар ва ҳоказолар керак. Миллатнинг тараққиёти мана шу йўл билан амалга оширилади ва бу ишлар учун маблағ зарур. Маблағ эса бизнинг бойларимиз кўлида”, деб ёзди ва уларни миллатни “уйғотиш”га қаратилган ушбу хайри ишларни қўллашга чақирди.

“Жамияти имдодия”нинг фаолияти жуда оғир кечди. Жамият даромадининг асосини аъзолик бадалли ташкил қилгани учун ҳам у таъсис этилганидан бошлаб бир ярим йил давомида янги аъзолар жалб қилиш ва кейинги фаолиятини юргизиш учун маблағ йиғишдан бошқа ҳеч қандай фаолият олиб бормади. Туркистонлик жадидлар Ички Россия мусулмонлари амалга оширгандек садақа ва закотни хайрия жамияти фойдасига жалб қилишга муваффақ бўла олмадилар. Бунинг чуқур ижтимоий муаммолари бор эди. Шаҳарнинг катта бой ва сав-

догарлари жамоат ишларига бош қўшмади ва бундай хайрия ишларига маблағ сарф қилишдан ўзларини четга тортдилар.

Бехбудий Туркистон зиёли қатламининг бу тарихи иш туғанини “...ҳар ким ўз фойдаси ва шахсий иши билан банд. Бизда умуммиллий ёки диний ва миллий ишлар фойдасига ҳаракат қиладиган одамлар йўқ. Бизда, бошқа миллатларда бўлганидек, миллатнинг тараққиёти учун жон куйибдиган кишилар йўқ”, деб тушунтиришга ҳаракат қилди.

“Ойна” журналида чоп этилган бир мақолада Туркистон мусулмонлари шартли равишда уч гуруҳга бўлинган эди: 1) бадавлат инсонлар: ер эгалари, савдогарлар, ишлаб чиқарувчилар; 2) турли контора ёки алоҳида одамлар қўлида хизмат қилаётган ўқимшилар; 3) “миллат” тушунчаси ҳақида умуман тасаввурга эга бўлмаган оддий халқ. Бу тасниф муаллифининг фикрича, агар мана шу гуруҳ вакиллари бирлашса ва тиллари ва диллари билан моддий-маънавий ёрдам кўрсатса, миллат манфаати ва равақи учун исталган ишни амалга ошириш мумкин.

Туркистонда миллий ғояни халқ онига синдириш ва уни кенг тарғиб қилишга катта тўсиқлардан бири миллий матбуотнинг йўқлиги эди. Ички Россия мусулмонлари соф сиёсий ишлар билан шуғулланган вақтларда Туркистон жадидлари ва зиёлилари йиғилиб қолган муаммоларни ҳал қилиш учун турли жамиятлар тузиш тарғиботида давом эттириётган ёки айрим жойларда энди бошлаётган эдилар. Жадидшунос олим Беғали Қосимовнинг фикрига кўра, Туркистон жадидларининг газета, хайрия жамиятлари таъсис этиши, янги усул мактабларини ёйиш, театр ишлари ва бошқа барча ҳаракатлари бир миллий ғоя учун хизмат қилди. Олимнинг таъкидлашича, ҳар бир ғоянинг миллий ғояга айланиши учун у икки талабга жавоб бериши керак: 1) ғоя миллатнинг ҳақиқий эҳтиёжидан, турмуш тарзидан, асрий анъаналаридан, ва албатта, имкониятларидан келиб

чиқиши керак; 2) ушбу ғоя миллат томонидан англаб етилиши, бошқа сўз билан айтганда, миллийлаштирилиши зарур. Яъни ғоя миллатнинг ҳар бир вакили юрагига етиб бориши лозим.

Бехбудий “Аъмолимиз ёнким муродимиз” сарлавҳали мақоласида туркистонликларнинг турли тадбир, тўйларидан тортиб миллий ўйинларигача бўлган ҳар кунлик турмуш тарзини таҳлил қилар экан, халқни кўзини очиб ён-теварагидаги миллатлар қандай яшаётганига қарашга чақиради. У халқни исрофли тадбирлардан воз кечиб, уларга сарф қилинадиган маблағни иқтисодиётнинг барча тармоқларига миллий катриб тайёрлаш мақсадига давлат таълим муассасаларида болаларнинг ўқиши учун йўналтиришга даъват этади. Бехбудий бу ҳаракатларини умуммиллий ишлар, олий мақсадлар, хоҳишлар ва интилишлар деб атайди.

Бадий адабиёт, хусусан, шеърят миллий ғоя тарғиботида жуда катта роль ўйнади. Жадид шоирлари биринчи навбатда янги илм-фанни улуғлади ва халқни уни ўрганишга тарғиб қилди. Улар замонавий илм-фанга тараққиётга эришишнинг бирдан-бир ягона йўли деб қарадилар. Сиддиқий-Ажзий шеърларидан бирида туркистонликларни “бир ғоя атрофида жипслашиб, бир йўлдан бормоқни” ва бир “олий мақсадга интилиб, у учун курашишга чақирди.

Туркистонлик жадидлар энг аввалда мусулмонларга сиёсий ҳуқуқлар берилиши тарафдорлари томонида турмадилар. Сабаб, саводсиз, замонавий илм, маърифатдан беҳабар халққа сиёсий ҳуқуқ берилиши ҳеч бир муаммонидан ҳал қилинишига олиб келмаслигини улар жуда яхши тушунарди. Ўша даврда замон тили бўлган рус тили ва рус қонунлари билмаслиги ва энг асосийси – мусулмонларнинг замонавий билимлардан хабарсизлиги қўлга киритилган барча сиёсий ҳуқуқларни йўққа чиқариши аниқ эди. Бунинг натижасида эса “биргина рус маъмури қирқ ўқимшили

мусулмонни жиловиди ушлаб юришда давом этаверади”. Шунинг учун ҳам Туркистон жадидлари миллий ғояни тарғиб қилишдаги асосий ургуни халқ орасида замонавий илм, маърифатнинг тарғиботида қаратди.

Бухоро жадидларининг мафкуравий етакчиси ҳисобланган Абдурауф Фитрат “Қуръон” сарлавҳали мақоласида миллат тараққиёти хусусида фикр юритар экан, ўз фикрларини илм ўрганиши улуғловчи Қуръон оятлари орқали тушунтиришга ҳаракат қилади. Фитрат Қуръонни исталган миллатни саодатли ва кучли қилишга қодир бўлган ижтимоий қонунга қислайди. Бундан ташқари, у мусулмонларнинг ўша вақтдаги аҳолини Ислоҳ динига қадар бўлган арабларнинг “жоҳилият даври”га ўхшатади. Фитрат Қуръонда барча мусулмонлар саодат ва тараққиётга эришиш учун ҳаракат қилишлари кераклигига чақирқ кўради. Мақоласининг сўнгига Фитрат туркистонликларга савол билан мурожаат қилади: “Ажабо, биз ўзимизни инсон деб атаб, ҳақиқий инсон каби ҳаракат қилишни хотирга келтирмаймизми? Наҳотки, биз қиёматгача ўзимизнинг жоҳиллигимизни тушуна олмадик ва сабабларини қидиришга ҳамда уларни ҳал қилиш чораларини топишга қодир бўлмасак?”

Туркистон учун миллат ва Ватан нима эканини аниқ тасаввур қила оладиган, ўз халқига, юртига содиқ ўқимшили ва зиёли ёш авлод керак эди. “Садойи Туркистон” газетасида ёзилганидек, бу ёш авлод ўзининг ҳизмати, ҳаракати, ёрдами ва содиқлиги билан ҳақиқий зиёли эканлигини кўрсатиши кутиларди.

Туркистон жадидлари миллий ғоянинг самарали тарғиботи учун 1914 йилдан бошлаб турли наشريёт, ширкат ва кутубхоналар ташкил қила бошладилар. Бундай муассасаларнинг асосий мақсади миллий ғоя тарғиботи ва сиёсий ироданинг мустақамланишига хизмат қиладиган газета, журнал ва китобларни нашр қилиш ва аҳоли орасида тарқатишдан иборат эди. Бунда асосий эътибор ўрта авлод мусулмонлар аудиториясига қаратилди. Ана шундай ташкил этилган муассасалар қаторига Қўқондаги “Ғайрат” кутубхонасини, Тошкентдаги “Нашириёт” ширкатини, Бухородаги “Маърифат” кутубхонаси ва “Баракат” кооперативини мисол қилиш мумкин.

Туркистон жадидлари бошланғич паллада таълим, замонавий билимлар тарғиботи ҳамда маҳаллий аҳолининг турмуш шароитини ўзгартиришга қаратилган дастур асосида иш олиб борди. Айнан мана шу масалалар жадидларнинг миллий ғояси асосини ташкил этди. Жадидларнинг ғоя ва мақсадлари, улар тарғиб қилган фикрлар бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотган эмас. Жадид маърифатпарварларининг фаолияти, ижоди ва ҳаёт йўли билан халқимизни, айниқса, ёшларни кенг ошно қилиш, жадидлар таъбири билан айтганда, “миллат устунни” бўлган зиёлиларга катта масъулият юклайди.

**Зайнобиддин АБДИРАШИДОВ,**  
**Анқара Ҳожи Байрам Вали университети**  
**профессори**

Бошланиши 1-саҳифада.

Ёки чекка қишлоқда яшовчи фуқаро шахсий енгил автомашинаси билан туман марказидаги уларнинг “фаолиятини мувофиқлаштирувчи” қандайдир МЧЖларга аъзо бўлиши, ҳар кун эрталаб ўша уюшмага бориши, кунлик йўл варақасини олиши ва маълум миқдорда тўловни амалга ошириши шарт эди. Шундан сўнг миқоз излаб кетарди. Яна мазкур уюшмаларнинг хизмат кўрсатиш ҳудудлари чегараланган бўлиб, киракаш билмасдан ўша ҳудуддан ташқарига чиқса жаримага тортилар, ҳатто лицензияси бекор бўларди. “Дарётран” отлик қандайдир ташкилот ҳар ойда маълум йўналишларга танлов эълон қилар, унда ғолиб чиққан МЧЖлар ўзларига аъзо киракашларни шу йўналишларга хизматга қўярди. Бундан киракаш истиқомат қилаётган ҳудуд билан у хизмат кўрсатиши керак бўлган ҳудуд оралиғи ҳеч қандай қизиқтирмасди. Текширишлардан беэиб кетган киракашлар мажбуран қўшни тумандаги шундай жамиятларга аъзо бўлишар, бу эса йўлқира ҳақида сезиларли таъсир кўрсатарди.

Киракашлик тизимини жиловлаган бу усул узоққа бормади – ҳайдовчию йўловчилар норозиликларига сабаб бўлди.

Давлатимиз раҳбари томонидан ўз шахсий енгил автомашинасида хизмат кўрсатётган фуқароларга имтиёзлар ва эркинликлар берилганига уч йилдан ошди. Энди шахсий машинасида йўловчи ташиш ниятида бўлган фуқаро йил давомида базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараварича пул тўлайди ва ўзи истаган йўналишда хизмат кўрсатаверади. Улар “ўзини ўзи банд қилган фуқаролар” топфасига киритилиб, шу давр киракашликнинг иш стажига қўшилиши белгиланди.

Яқинда юртимизда тўрт юз мингдан кўпроқ фуқаро хизматининг шу тури билан машғуллиги очикланди. Агарда ҳар оилада ўртача беш киши истиқомат қилишини айтсак, бугун юртимизнинг салкам икки миллион фуқароси киракашлик хизматидан топилган даромад ҳисобидан тиричилик қилаётгани маълум бўлади.

# “ЙЎЛИНГИЗ ОЙДИН, САФАРИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН!”

Булар – расман рўйхатдан ўтган, хизмат кўрсатиш учун лицензияга эга фуқаролар. Лицензиясиз “хизмат кўрсатиб” юрган фуқаролар ҳам озмас. Айниқса, бу ҳолат хориж давлатларига йўловчи ташибтган киракашлар орасида жуда кўп. Афсуски, бугун бошқа соҳаларга қараганда илгарилаб кетган ушбу тизим ҳали тартибга солинмаган. Бу, айниқса, киракаш ва йўловчи орасида манзилга элтиб қўйиш хизмати учун тўланадиган йўл ҳақи масаласида яққол намоён бўлади. Киракашларнинг “келишиб олиб кетиш” таклифи аксар ҳолларда йўловчилар норозилигига сабаб бўлади. Айниқса, байрам кунлари йўл ҳақи кескин ошиб кетиши ҳақида ижтимоий тармоқларда бонг урилади.

Маълумки, ҳар бир хизматда “таннарх” деган тушулча бор. Таннарх – хизмат кўрсатувчининг кетган харажатлари – ёнлиги ва вақтдан келиб чиқиб белгиланади. Айтайлик, Хоразмдан пойтахтга қатнайдиغان киракашлар бир томонга уч юз минг сўм атрофида ёнлиги (метан газидан юрадиган машина эгалари) сарфлашади. Яна йўлда овқатланиши, миқоз кутиб пойтахтда қолган вақти сарф-харажатлари умумҳисобда беш юз минг сўмни ташкил қилади. Йўл ҳақи эса ҳар йўловчига ҳозирда ўртача 250 минг сўм қилиб белгиланган. (Бу йўловчи поездининг умумвағони учун патта нархи билан тенг).

Демак, тўрт йўловчи учун бир миллион сўм йўл ҳақи олган киракаш ўн беш соат ичида ярим миллион сўм даромад топяпти. (Киракашларда “почта хизмати” ҳам бор, улар бундан ҳам яхшигина даромад топишади).

Аммо, яқин масофаларга қатнайдиغان

киракашлар йўл ҳақини шаҳарлараро хизмат кўрсатётган ҳамкасбларига қараганда икки ва ҳатто, уч ҳисса кўпроқ олишади. Масалан, Урганчга киракаш машинада кетсам эллик чақирим масофага 25 минг сўм атрофида тўлайман. Шаҳар орасида уч чақиримга бормоқчи бўлсам, киракашлар 15 минг йўл ҳақи талаб қилишади. Ёки қишлоғимиздан Ҳазораспдаги машҳур бозорга қатнайдиغان киракашлар ҳар бир йўловчидан 15 минг сўм олишади. Оралик масофа бор-йўғи 12 километр.

Масофалар оралиғи, кетадиган сарф-харажат, яъни таннарх орасида фарқ қанчаллик катта эканини кўряпсизми? Йўловчи, айниқса, ҳар кун ишга қатнайдиغان фуқаролар бундан табиий равишда норози бўлишади-да!

Замонавий технологиялар бу тизимда хизмат кўрсатувчи ва йўловчи мушкулларини оsonлаштиришда катта енгилликлар яратди. Масалан, телеграм ижтимоий тармоғида турли йўналишлар бўйича алоҳида мулоқот гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилган. Гуруҳда бир кеча-кундузда мингдан ошиқ хабар ёзилади. Киракашлар қайси соатда йўлга чиқиши, машина русуми, яратилган шароитлар ҳақида маълум қилади. Шу тариха йўловчи ва ҳайдовчи мулоқотга киришиб, манзил ва йўлқира нархи келишилади.

Бошқа ҳудудларда ҳам худди шундай тизим аллақачон яратилган, мижозлар ва хизмат кўрсатувчилар яқдиллиги йўлга қўйилган. Ахборот технологиялар тараққиёти мижозларнинг давлатларда хизмат кўрсатишнинг бу тури шу йўсин тартибга солинганига анча бўлди. Уларда “питак” деб аталган киракашликнинг ибтидоий кўри-



нишлари тарихга айланиб улгурди.

Хўш, бизда бу тизим қачон қатъий тартибга солинади? Ахир, бу ҳар икки томон учун ҳам манфаатли-ку! Йўловчи уйда, йўл бўйида улов кутиб турмайди, яна нархдан норози бўлмайди. Киракашлар такси хизматига ихтисослашган замонавий мобиль иловалар орқали мунтазам мижозга, энг асосийси, топган даромади ҳисобидан келажакда нафақага чиққанида тайинли пенсияга эга бўлади.

...Шулар ҳақида ўйлаб юрганимда ижтимоий тармоқларда юртимизда худди шу турдаги янги “Фастен” аталмиш киракашлик компанияси иш бошлагани ҳақида ўқиб қолдим. “Яндекс” ёнига рақобатчи бўлиб “Фастен” қўшилди.

Нега “Яндекс”? Нега “Фастен”? Нимага “Равон йўл”, “Тезкор” ёки “Оқ йўл” эмас! Ушбу тизимда хизмат кўрсатётган енгил машиналарнинг аксари ўзимизда ишлаб чиқарилса, хизмат кўрсатётган қоракўзлар ҳам ўзимизникилар бўлгани ҳолда нега атамалар хорижий тилда бўлиши керак?

Тўғри, бу компаниялар ҳали бизда хизматнинг шу тури энди тартибга солинаётган вақтда четдан кириб келишди, хизмат си-

фати, назорати бўйича ибрат кўрсатишди. Аммо-лекин, вақт тезкор илгарилаб кетаётган ҳозирги даврда шунга ўхшаган бир-икки компаниянинг тизимни монополияга айлантириши қанчалар тўғри? Наҳотки ўзимизнинг сармоядорлар миллий атамали шундай компаниялар ташкил қилишлари мумкин эмас. Бу билан тизимда чинакам рақобат пайдо бўлади. Рақобат эса хизмат сифати ва нархига кескин таъсир кўрсатади. Бозор сиёсатининг талаби ҳам шу!

...Пойтахтдан қайтиш учун Жанубий вокзалга киракаш машина чақираман. Телефонимда “Равон йўл” сизга хизмат қилишга тайёр! Беш дақиқада фалон рақамли, фалон русумли машина етиб боради. Манзилгача хизмат ҳақи 52 минг 500 сўмни ташкил қилади. Йўлингиз ойдин, сафарингиз беҳатар бўлсин!” деган ёзув пайдо бўлади. Анча енгил тортаман, шууримда миллий гурур уйғонади – “Равон йўл”ни илҳақ кута бошлаймиз...

Ушбу орузим қачон амалга ошаркин? Бир йўловчи ўлароқ шу кунларни ориқиб кутаяман.

**Рўзимбой ҲАСАН,**  
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси**  
**аъзоси**



КАТАҒОН ҚҮРБОНЛАРИ

ОТИШГА ҲУҚМ ҚИЛИНГАН

олим Никонор Ярошевичнинг аччиқ қисмати

Ярошевич Никонор Казимирович 1885 йил 11 июлда Минск губернияси, Ново Свержань қишлоғида белорус дехқони хонадониди дунёга келган. 1903–1906 йилларда Чернигов губерниясидаги Глухов ўқитувчилар институтининг ўқувчиси, 1906–1910 йилларда Минскдаги Головенчицкий, Киевдаги Шостен ва Гулухова билим юртлирида дарс беради. Шундан сўнг Москвада қишлоқ хўжалиқ институтига ўқишга кириб, 1914 йил уни битиради. Талабалик йилларида белорус ёшлари тўғрақларида фаол иштирок этиди.



Олим "Наша Нива" газетасида ўз мулоҳазаларини ёзиб борди. Айни пайтда Харьков губернияси, Лебедин уезида агроном вазирида ишлади, Смоленский ва Харьков шаҳарларидаги турли ўқув муассасаларида маърузалар ўқиди. 1915 йил Молия вазирига тавсиясига кўра давлат банкнинг Суми бўлими қошидаги қишлоқ хўжалиғи агрономияси майда кредит йўналишига инспекторликка тайинланади. Ярошевич Никонор Казимирович 1915–17 йиллар Биринчи жаҳон уруши муносабати билан ҳарбий хизматга чақирилиб, артиллерия соҳасида хизмат қилган. Никонор Казимирович 1917 йил февралда инқилобдан сўнг ҳарбий хизматдан озод этилди. 1917 йил эсерлар партияси аъзоси сифатида Минск губернияси "уезд земский" бошқаруви раиси бўлди. 1918 йил март ойи бошларида Беларус Халқ

Республикаси Радаси аъзоси ва ҳуқуқ-мақомида Ер ишлари халқ комиссарлигида иқтисодий бўлим мудури вазифасида иш олиб борган. 1919-1920 йиллар поляк-совет уруши йилларида мустақил Беларус республикаси тарафдори бўлди. 1920 йил совет ҳокимияти мустақамланиб бориши ортдан сиёсатдан чекиниб, унинг фаолиятида илмий йўналиш ортиб борди. У 1920 йил ноябрда очилган Беларус политехника институтининг биринчи ректори вазифасига тайинланди. Айни пайтда Минск халқ таълими институтига, Беларус ишчи билим юртлирида таълим берар, БССР Маориф халқ комиссарлигида касбий-техник таълим бўлими мудури вазифасини ҳам бажарар эди.

Ярошевич Никонор Казимирович 1920–22 йиллар Беларус политехника институтининг ректори, 1922 йилдан Беларус эркин иқтисодиёт жамияти ташаббускори ва биринчи раиси бўлди. У белорус ватанпарвари сифатида таълимда белорус тилининг устуворлиғи учун курашди. 1920–1921 йилларда эсерлар партиясининг дастуридан келиб чиқиб ўз юртида иқтисодий таъминотни яхшилаш ва фарбга талабалар йўллаш йўлидан борди. Бироқ большевикларнинг режаси бошқа эди. 1921 йил мартда БССР ГПУ қарори билан Никонор Казимирович аксилсовет фаолиятида айбаниб Минскдаги Пишалов турмасига ташланди. Фақат БПИ, Мина ва Беларус ишчи билим юртлирининг 38 нафар ўқитувчилари талаби билан икки ойлик хибсдан сўнг озодликка чиқишга муваффақ бўлди.

Ярошевич Никонор Казимирович 1923 йил январда БССР ГПУнинг қарори билан РСФСР ЖКнинг 58-моддаси, 10 – банди билан 3 йилга Тошкентга сургун қилинади. 1923 йил Тошкентга кўчиб келган Никонор Казимирович аввал Ўрта Осиё кўргазма муассасасида иқтисодий бўлим бошлиғи сифатида иш бошлади. 1924 йил 3 октябрдан Ўрта Осиё давлат университети профессорси ва бошқарув аъзоллиғига сайланади. 1925–26 йиллар ЎзССР ер исплохотлари даврида Средазбўронинг қишлоқ хўжалиғи ирригация ва механизация институтининг профессори, 1930–1931 йиллар қишлоқ хўжалиқ илмий тадқиқот институтининг профессори ва Иқтисодиёт илмий текшириш институтининг директори ўринбосари вазифаларида иш олиб борди. Бироқ яна чақувлар асосида қамоққа олиниб оиласи билан Тошкентдан кўчирилиб қишлоқ хўжалиқларида яшашга мажбур этилди. 1933 йил Тошкент шаҳрига қайтиб,

педагогик фаолиятини давом эттиришга муваффақ бўлади. Айни пайтда Ўрта Осиё давлат режа қўмитасига мутахассис сифатида ишга олинади.

Ярошевич Никонор Казимирович 1937 йил 27 июлда ЎзССР ЖКнинг 62-, 63-, 67-моддалари ҳамда "чет эл раведкаси фойдасига жосуслик қилиш" каби айбловлар билан қамоққа олинади. Шахсий анкетасига кўра бу вақтда унинг оила аъзолари турмуш ўртоғи шифокор Шимоновская-Ярошевич Вера Ивановна (37 ёш) ва ўғли мактаб ўқувчиси Юрийлардан иборат бўлган. Йиллаб қўзилган сўроқларда унга ўнг эсер, 1920 йилдан Польша жосуси, акселинқилобий ташкилот аъзоси каби айбловлар қўйилди. 1938 йил 7 октябрь куни соат 19:45 дан 20:10 гача давом этган машум "учлиқ" йўғини Ярошевич Никонор Казимировични отувга ҳукм қилади ва у шу куннинг ўзида отиб ташланади.

Советлар мамлакатига Сталин вафотидан сўнг бошланган "илиқлик даври"нинг илк кунларида Никонор Казимировичнинг турмуш ўртоғи Шимоновская-Ярошевич Вера Ивановна 1956 йил 10 декабрь санаси билан Минск шаҳри, Красноармейск 8/34 хонадондан совет мамлакатининг олий идораларига шикоят аризаси йўллади. Беларусия врачлар малакасини ошириш институти хирургия кафедраси ассистенти Вера Ивановна ўз аризасида турмуш ўртоғининг НКВД томонидан қамоққа олингани ва 10 йилга қамоққа ҳукм этилган деган хабаридан буён ҳеч қандай дарак бўлмаганини ёзди. Шундан сўнг Ярошевич Никонор Казимирович иши ҳам қайта кўриб чиқишга топширилади. Қайта сўроқлар давомида унинг дўсти Ново Александровск қишлоқ хўжалиқ институтининг тугатган, одессалик рус олими, 1920–1925 йиллар Туркистон университети профессори Кожанов Николай Николаевич: "Н.К.Ярошевич СССРнинг қишлоқ хўжалиғи ва иқтисодиётни яхши билган иқтисодий ислохотчи олимларидан, жуда меҳнаткаш ва ажойиб инсон эди", деб таърифлади. Қайта сўроқларда Ярошевич Никонор Казимировичнинг сталинча қатағон қурбони бўлганлиғи ўз исботини топди ва олим 1958 йил 4 февралда СССР Олий суди томонидан оқланади.

Ярошевич Никонор Казимирович 1995 йил 8 декабрда Минск вилоят прокуратураси томонидан реабилитация қилинган.

Баҳром ИРЗАЕВ, Катағон қурбонлари хотираси музейи бош илмий ходими

УЙҒОҚ ХОТИРА

Одам одамнинг кўнглига яқин бўлса, бир-бирининг дийдорини, суҳбатини соғинади, бундай ички туйғу самимий ва чин-ҳаққоний бўлади. Энг муҳими, кўнгилошлик бирор маҳалла, макон ёки замонни ҳам, географик ҳудудни ҳам танламайди. Аъзам Ўқтамнинг чин дўстларидан бири чироқчилик, иккинчиси иштихонлик эди. Гарчанд "Битта дўстим йўқ менинг, ох, Шу бўлдим тақдирим?" деб ёзган бўлса-да, шоир иккита жонагон дўст топган эди. Одамнинг ҳаваси келарди уларнинг иноқ юришларига. Уч оғайни ҳақиқий дўстлар эди. Иштихонлик шоир дўсти баъзан тирикчилик кўйида, ҳалол ризқ илинжида ғиштдан девор кўтарар, лой тепиб пахса уради.



ШЕЪРИЯТНИНГ ЎКТАМ ОВОЗИ

Аъзам Ўқтамга ҳамюрт бир таниши шу дўстини қаттиқ ишлатди. Бирок оғир жисмоний меҳнатининг ҳақини тугал бермай изза қилади. Аъзам Ўқтам адолатпарвар, ҳақгўй эмасми, ҳақиқат ва тўғрилиқ ҳимояси учун майдонга отланган мусулмон аскарлик шират билан шартта ўша ҳамюртининг олдида бостириб боради. Муаммони чиққа-пуккасига жиддий муҳокама қилади, мардона ҳал этади. Дўсти ҳали шу кунгача қувонади. Аъзам Ўқтам ўзидан бирор нарса кетса ҳам, дўстлари учун жонини тикадиган жондўст инсон эди. Аъзам ака раҳматлик бўлиб кетгандан кейин бир қурдошимиз унинг шу ажиб фазилатини қайта-қайта сўзлар ва бир воқеани эсга оларди. Аъзам ака дўстга содиқ эди, дилига ўтирган қимсани қаттиқ ҳурмат қиларди. Йўловчи уловга пули етмайроқ турган ҳалиги биродарига чўнтағидаги охириги сариқ чақасигача бериб, уни енгил автомашинага ўтқизиб, ўзи бир неча чақирим уйига пою пиёда кетади. Ҳолбуки, унинг уйи ҳам ҳалиги дўстининг уйдан яқин эмасди. Йўлида пасткаларга дуч келганда мардларни, ҳақгўйларни, иймонли банд одамларни соғинади киши. Айниқса, улар зиёли бўлса, олим ё Аъзам акадек шоир бўлса, дийдор соғинчи қаррасига ошаркан.

Аъзам Ўқтам ўзидан бир даста гўзал шеърлар қолдириб кетди. Унинг шеърлари ўқилганда шоирнинг тирик маҳалидаги фазилат сўхбатлари ростдан қайта тирилади. Юракдаги соғинч қанқоғи ана шу шеър бўлоқларидан баҳра олади. Мен бугун Аъзам Ўқтам билан дўст эдим, худди ака-уакадек яқин эдим, ҳар вақт бирга тушлик қилардик ёки биз доимий ҳам-сафар эдик, тарзидида гапларни ёзмам, оммавий хотирачиларнинг иншолиридан фарқи бўлмай қолади. Барча қатори "мен"-менлик хасталиғига чалинган ва бирор билиб ўтирибдими, деган бемаъни ўйда ҳеч қисинмай-нетмай алланамаларидир тўқиб ташлаган бўламан. Кўп гаплашганмиз, тўғри. Баъзан тошқовузлиқ Фарҳод деган қурдосидан сўз очарди. Биздан 5-6 ёш ўлуғ бўлгани боис, ҳар қандай суҳбатларда Аъзам акани ошитар эдик. Гапларида ўзи айтганидек ичи йўғлаб, ташқарисидан куларди. Бу кулганин ҳеч ҳам шодлик-қувонч қулгисидек ақс-садо берганига дейлик гувоҳ бўлмаганмиз. Ҳамиша куларди, бу алам-ли, ўқинчилик, пичингли култи эди. Одам бир замонлар ёнида юрган шундай аъзамларни соғинар экан, шундай ўқтамларни соғинар экан.

\*\*\*

Аъзам Ўқтамнинг "Тараддуд" шеърий китобини ўқиган давримизнинг улкан уламоси шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ўз қарашларини, айнан шоирнинг кўнглини қувонтирган фикрларини Аъзам ака тирик маҳалида баён қилган эди. Раҳматли шайх ҳазратлари бу йўлда ҳам барчага ўрнак бўлиб кетди. Ҳазратнинг мақоласини қайта ўқидим. "Ҳаммага маълумки, бизнинг юртимиз Мовароуннаҳр – Туркистон бутун дунё шеърятинида ўзига хос ўрин тутган буюқ шоирлари билан фахрланса арзийдиган, жаҳон халқлари шеърят ҳазинасига ўзининг олтин саҳифаларини, олтин байтларини бошини бандан кўтарган ҳолда тақдим этган бир юрtdир. Албатта, ана шу мақтовга сазовор шеърят, шеърий асарлар, шоирлар, уларнинг фаолияти, савияси, ҳамма-ҳаммаси шу диёрнинг қадимдан муқаддас дини бўлиб келаётган ислом билан чамбарчас боғлиқ экани ҳам ҳеч кимга сир эмас... Яна бир ҳақиқатки, шундай инсонпарвар, маърифатпарвар ва олий инсоний қадриятларни мадҳ этган ва ўз ўринларини ажойиб бир шаклда тутган шоирларимиз билан бирга, манфаат шоирлари, баъзи шахсларнинг маддоҳлари ҳам бўлган. Лекин ўша шоирлар ҳам, уларнинг шеърлари ҳам теъза унутилган. Чунки улар халқ учун эмас, ҳақ учун эмас, ҳақиқат учун эмас, бошқа нарса учун шеър айтган эдилар..."

Шайх ҳазратларининг адабиётимиз узоқ тарихи ва яқин ўтмишига доир бундай ҳақиқатлари, теран назарлари, сўз кучи ва манфаати, гуноҳ ва савоблари ҳақидаги тиниқ фикрлари ҳамон мени ўйлантиради. Асил адабиёт таҳлили учун дастурий қиймат касб этадиган фикрлар булар. Кўпчилик адабиётшунослар сукут сақлаган бир паллада Аъзам Ўқтам шеърлари қадрини жуда ўринли, муносиб баҳолаган ва унинг шеърятинидаги иймон тафтини биринчи бўлиб, ҳис қилиб баён этган зот ҳам шайх ҳазратлари эди: "Бу шеърлар киминдир ўзига қаратиш учун айтилган эмас. Ёки кескин гапларни гапириб ўзини кўрсатиш учун эмас. Балки бутун вужудга синган, юракнинг тўридан самимият билан чиққан бир ҳазин оҳангдир..."

Аъзам Ўқтамнинг шеърлари орасида "Бир кун" ва "Бир тун" сарлавлари иккита узун, бири бошқасини тўлдирадиган эпизак шеър бор. Шоирнинг ичи, ўйи, изтироблари, атраф-муҳитга, ёру биродарларига, "сен" орқали "мен"га, муносабати баёнидир улар. Ишларидан кўнгли тўлмаган, норизо кайфиятли, аммо мезонлари эътиқоғида мос одам дилининг шарҳи.

У, булар одамми? Аянч накадар – Бу ножинс тўданинг қолмаган шарми. "Қофияра ўлим!" – деб Тўт торсанг агар Қирилиб кетарди элингнинг шарми. Савод чала, ибодат чала, ишонч – омонат, суҳбатлар ғийбат, ҳар ишда алдов, хиёнат, душман ким,

ЯНГИ НАШР

“ОЙДИН СЎҚМОҚЛАР ЭЛЧИСИ”

Сўнги йилларда жадидлар ҳаёти ва ижодига эътибор кучайиб, бу борада кўплаб тадқиқотлар олиб бориляпти, илмий-бадий, тарихий-хронологик китоблар чоп этиляпти. Фидойи аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, уларнинг фаолияти ва меросини ўрганиш, ўргатиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Одатда жадид маърифатпарварлари ҳақида сўз борганда нари борса ўн-ўн бешта миллат ойдини ёдимизга тушади. Аслида бундай жонфидо инсонлар миллатдошларимиз орасида кўпчиликни ташкил қилган. Улар чекка-чекка қишлоқларда яшаб ҳам хуррият, юрт озодлиғи ва миллат маърифати учун курашишган. Яқинда Ғайратжон Эркабовнинг "Classis" нашриётида чоп этилган "Ойдин сўқмоқлар элчиси" китобининг бош қаҳрамони Исмоилхўжа Отахўжаев ҳам ўтган асрнинг бошларида янги усул мактабини очиб, бутун умрини миллатдошларини саводли қилиш, зиё тарқатишга бағишлаган.

маълумотлар жамланган.

Китобда келтирилишича, Исмоилхўжанин падари бузруквори Отахўжа эшон ҳам Қуръони Карим, ҳадислар билан бир қаторда тил ва адабиёт илмининг яхши ўзлаштирган, ўз даврининг маърифатпарвар зиёлиси, илмий инсон бўлган. У киши ўз хонадониди илмталалабларга туркий, араб, форс тилларида ўқиш ва ёзишни ўргатган. Онаси Собирахон отин эса маҳалладаги кўплаб аёлларнинг саводини чиқарган.

Тарихий бадиа жанрида асар яратиш осон иш эмас. Мазкур жанр ижодкордан ўзи қаламга олаётган давр муҳитини яхши билиш билан бирга, воқеалар баёни силсиласини жозибали ифодалаш маҳоратини ҳам талаб қилади. Бу ниҳоятда оғир ва кўп заҳмат талаб қиладиган жараёндир. Муаллиф ана шу талабларни ҳис қилган ҳолда бой манбаларга таяниб бадий таъсирчан асар яратишга муваффақ бўлган. Тараққийпарвар жадиднинг ўғли Исқандар Отахўжаев дадаси ҳақидаги хотираларни, таҳликали болалик йилларини шундай эслади:

"Дадам китобга меҳр қўйишимизга сабабчи бўлган. Улар билан фахрланаман. Машъум сиёсат туфайли нафақат дадам, балки бутун оиламиз доим таъқибда яшаган. Ҳатто дадамнинг ўз оғизларидан бир неча маротаба кеч кириб, мактабдан қайтаётганида аскарлар уларга қарата ўқ узганини, Аллоҳ асраб, шикаст етмаганини

эшитганмиз. Улар қиш тунларида бизни сандал атрофига ўтқазиб, тарихий китоблар ўқиб берадилар. Биз ҳеч нарсаани, ҳатто ўқилган асарлар номини ҳам кўчага чиқиб айтолмасдик. Раҳматли дадам ғалпимизни йўлаб баптиришимизни тайинларди. Доим бир отамерос сўзни – юртимизни мустамлакачилардан, зулмат ва залолатдан фақатгина илм кутқаришини таъкидларди. Улар бутун умр ватанимиз озод ва эркин бўлишини орзу қилиб яшади".

Китобдан Исмоилхўжа Отахўжаевнинг болалигидан то умрининг сўнги кунларигача бўлган давр, у фаолият олиб борган барча мактаблар, машаққатли ва саргардон ҳаёт йўли ҳақидаги маълумотлар ўрин олган. Умид қиламизки, бу каби китоблар миллат фидойиларини янада яқиндан танишимизга, уларнинг хотирасини абадийлаштиришга хизмат қилади.

Муассар ИБРОҲИМОВА



Баҳодир КАРИМ, профессор



МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

# ИБРАТ ДОМЛАНИНГ ИБРАТИ



**Давлатимиз раҳбари 2017 йил 7 июль кун**  
**Наманган вилоятига ташрифи чоғида ўз даврининг етакчи зиёлиларидан бири Исоқхон Тўра ҳақида тўхталиб, бу атоқли маърифатпарвар аждодимиз ўзига Ибрат тахаллусни бежиз танламагани, унинг эл-юрт тараққиёти йўлидаги фидокорона ҳаёти нафақат ўз даврида, балки бугун ҳам барчамиз учун ҳақиқий ибрат намунаси бўлиб қолаётганини алоҳида таъкидлаган эди. Шунингдек, ўшанда жадид бобомизга атаб замонавий боғ яратиш, ёдгорлик мажмуаси ва “Ибрат мактаби”ни ташкил қилиш ташаббусини илгари сурган эди. Ушбу тақдир жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланиб, Ибрат номидаги боғ ва унинг музейи яратилди.**

Ўзбекилиги, қишлоқ хўжалиги бошлиғи бўлгани, 1930 йили кулоққа тортилган, Шаҳрихон қишлоқ советига қарашли Тумор қишлоғига келиб яшай бошлагани, қишлоқ имоми экани, ўзи ва оила аъзолари колхозга аъзо эмаслигини айтади. Баённомада у Тумор қишлоғида руҳонийларнинг махфий йиғилишида қатнашгани, ўзга мамлакатларнинг Совет ҳокимиятига қарши уруш очиши муқаррарлиги ҳақида мағлубиятчилик тарғиботини олиб боргани, уруш бошланганида Совет ҳокимиятига қарши курашиш мақсадида аҳоли орасида аксилқилобий тарғиботда гумонланиб, бу ишга бошқаларни ҳам даъват этгани кўрсатилиб, Андижон турмасида ҳибсда сақлаш шаклидаги эҳтиёт чораси ўз кучида қолдирилгани қайд этилган. Махбус уни имзолаб тасдиқлаган. Терговчи қийноқлар воситасида Аббосхон Тўрадан отаси Исоқхон Тўранинг “аксилқилобий” тарғиботдаги фаолияти тўғрисида маълумот олишга эришади. Оқибатда Исоқхон Тўра ҳам ҳибсга олиниб, Андижон турмасига ташланади. Шунингдек, мазкур тергов жараёнида Убайдулла Махсум Отабой Аъламов, Жабборхон Султонхонов, Умарали Жумабоев, Деҳқонбой Сўфи Дўсмаев, Акбарали Ниёзов, Муътабархон Султонхоновнинг “аксилқилобий” фаолияти ҳақида ҳам маълумотлар тўпланган, шунга кўра улар ҳибсга олиниб, тергов қилинади ва қийноқларга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлиги хизмати архивида Дамин-Зубов 1937 йил 8 февраль кун Исоқхон Тўра Жунайдуллаевга нисбатан эҳтиёт чорасини белгилаш учун давлат хавфсизлиги катта лейтенанти Лисицинга тақдим этган хужжат сақланиб қолган. Уни айнан келтирамиз: “Андижон шаҳри. 20 февраль кун **ЎзССР НКВД Маъмурий хизмат бошлиғи, давлат хавфсизлиги лейтенанти Лисицин, давлат хавфсизлиги сержанти Деревянченко Исоқхон Тўра Жунайдуллаевни** – 1861 йили Тўрақўрғон районида туғилганини қайд этади. Унинг миллати ўзбек, СССР фуқароси, маълумоти олий, араб, форс, турк, афғон, ҳинд ва рус тилларини билади. У инқилобга 10 йил қозилик қилган, давлат томонидан жазога тортилган. 1926 йили ер майдонига сотиб олгани учун (!) бир йил қамок жазосига ҳукм этилган. 1936 йил август ойида мусулмонлар руҳонийларининг махфий йиғинида иштирок этган, унда СССРнинг бошқа давлатлар билан урушиши муқаррарлиги муҳокама этилган ва Совет ҳо-

латларида бўлган. Рус тилини, ўқиш, ёзиш ва таржималар қилишни мукамал билган. Кезган мамлакатларининг тили ва маданиятини ўрганиб, улар ҳақида ёзган асарлари ҳозиргача сақланган. “Жомул хутид” (Хатлар йиғиндиси), “Фаргона тарихи”, “Маданиятлар тарихи”, “Етти тилда пуғат” ва бошқа асарлари маълумдир. Бу манбалар Тошкентда Шарқ кўлэмалари институтида ва Ёзувчилар союзининг Наманган области бўлимида сақланмоқда.

Отам билим тарқатувчиюна бўлиб қолмай, маърифатпарвар, маданиятга ундоғчи шахс бўлган. Революциядан илгари Наманганда “Исоқхон” номли



ЎзССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлик комитети Андижон области Андижон шаҳри бўйича Бошқармаси катта терговчиси капитан Лисенко имзоси билан 1959 йил 21 августда берилган маълумотномада Андижон турмасидаги Жунайдуллаев Исоқхон иши юзасидан унинг ўлими сабаби ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқлиги айтилган. Андижон шаҳридаги 4-сонли турма архивида Жунайдуллаевнинг ҳисса картчасида у 1937 йил 19 июнда вафот этгани қайд этилган. Аслида эса Ибрат домланинг фарзанди Ротибхоннинг шаҳодат беришича, ҲНКВД Андижон сектори бўлимининг собиқ бошлиғи Макаревич сўроқ жараёнида “айбини” бўйича олувчи кўрсатма, маълумот олиш ва тергов материалларини сохталаштириш мақсадида кекса маҳбусга мислсиз азоб берган. Инсон эоти дош беролмайдиган даражада жисмоний қийноққа солинган 76 ёшли Исоқхон Тўра бу аъзоларга бардош беролмай, турма камерасида май ойида, демак, архивда қайд этилганидан бир ой олдин – дастлабки тергов жараёнида юрак хуружидан вафот этган.

Шу тарихи маърифатчи олим, жадидлик ҳаракатининг пешқадам вакили, шоир, тилшунос, янгича усулда мактаб очган, ўқув дастурига янгиликлар киритган, ўз қишлоғида “Матбааи Исоқхон” номли босмахона ташкил этган, Туркия, Болгария, Греция, Италия, Афғонистон, Саудия Арабистони, Ҳиндистон давлатларида ва уларнинг йирик шаҳарларида илмий изланишлар олиб бориб, араб, форс, инглиз, ҳинд ва урду тилларини ўрганган, энциклопедик маълумот соҳиби Исоқхон Тўра Жунайдуллаевга ўғли Ибрат Андижондаги қатлгоҳга тунда яширин равишда жанозасиз, кафансиз кўмилган.

Шу ўринда Ибрат домланинг ўғли Ротибхоннинг 1959 йил 28 майда Ўзбекистон ССР Олий Советига йўллаган аризасини келтирамиз: “Менинг отам, “Ибрат”, “Анисий” тахаллуси билан асарлар ёзган прогрессив олим Исоқ Жунайдуллаев 1862 йилда Тўрақўрғонда ўқимшли хонадонда туғилиб, ёшлик даврида Тўрақўрғон, Наманган ва Бухорода билим олган. Ўз ҳаётида билим қидирган отам Россиянинг кўп шаҳарларида, Туркия, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон ҳамда Хитой дав-

типо-литография ташкил қилиб, ўз асарлари ва халқни маърифатга чақирувчи бошқа асарларни босиб турганки, ҳозирда Намангандаги “Ударник” босмахонаси собиқ “Исоқхон” литографияси базасида ташкил бўлган.

Отам 1924 йилгача халқ судлиги лавозимида ишлаб келганлиги ҳақида замондошлари маълумот беради. Кейинчалик қарилқ туфайли ишдан қолган.

1937 йилнинг февраль ойида отамни тўсатдан қамоққа олишган ва 75 ёшда май ойида Андижон турмасида вафот этган. Мен 1930 йилда туғилиб отамни қамалши сабабини билолмаганман. Ушбу аризам билан отамни қамалши сабабини ва унинг сўнги вақтда оқланганми-ўқим, шу ҳақида маълумот бериб, мени ўз биографиямда отам ҳақида тўлароқ ёзишимга имкон беришини сўрайман”.

Шу ариза бўйича ЎзССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлиги комитетининг Андижон области бўйича катта терговчиси капитан Лисенко томонидан 1959 йил 5 сентябрда архив тергов иши бўйича хулоса тайёрланган. Хулоса Давлат хавфсизлиги комитетининг Андижон области бўйича бўлим бошлиғи А.Сичев томонидан тасдиқланган. Унда бу айбланувчилар асоссиз равишда ҳибсга олингани ва суд қилиниб, жазога тортилгани кўрсатилган. Бошқача айтганда, улар реабилитация қилинган. Аммо бу “оқлов” ҳужажурига бўлиб, на кенг оммага ошкор қилинган, на маърифатпарвар Ибрат домланинг фаолиятига адолатли баҳо берилган, на ҳақиқий жиноятчилар жазоланган. Аксинча, ўз вақтида Ибрат домлани ҳибсга олиб, тергов қилган, унга нисбатан ноҳақ айблов хулосасини тайёрлаган чекист Дамин-Зубов ўзининг разил ишлари учун, қатагон кампаниясида фаоллик кўрсатгани советлар томонидан қадрланиб, ҳатто ўтган асрнинг 70-йилларида Ленин ордени билан тақдирланган. Бу разил кимса Андижон вилоятида турли тантанали мажлислар ҳайъатида ғурур билан ўтириганига шахсан ўзимиз ҳам гувоҳ бўлганмиз. Бундай адолатсизликлар совет режими шароитида оддий тус олганига ҳамма кўниккан эди.



ХОТИРА АЗИЗ

## ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

**Мўмин Сулаймонович Хўжаев** – 1898 йили Тожикистон ССР Хўжанд шаҳрида туғилган. Собиқ кулоқ, савдогар. ВКП(б)нинг собиқ аъзоси. “Миллий иттиҳод”, “Миллий истиқлол” ва “Иттиҳоди Шарқ” ташкилотлари аъзоси бўлган. Ҳибсга олинган пайтда Ўзбекистон директори бўлган. 1918 йили “Миллий иттиҳод” ташкилоти топишириги билан таниқли совет ходимлари устидан террорчилик актини амалга оширганликда ва босмачиликка раҳбарлик қилганликда, аксилқилобий ишлар олиб борганликда айбланиб, отувга ҳукм этилган. Унга тегишли мол-мулк мусодара қилинган.

**Маждид Қодиров (Абдулмаждид Қодирӣ)** – 1886 йил 2 октябрда Тошкент шаҳри, Қорёғди маҳалласида туғилган. Тошкентдаги эски мактабни битирган. Сўнгра мадрасада ўқиган. 1906 йилдан рус-тузем мактабида математика ўқитувчиси, 1917 йилги инқилобга қадар Тошкент шаҳридаги ўрта ўқув юртида раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатган. “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзоси, 1918 йилдан 1921 йилгача Тошкентда жадидлар томонидан ташкил этилган “Турон” номли 6-мактабни бошқарган. 1918 йилдан коммунистик партия аъзоси. 1921 йилдан Туркистон давлат университети эски шаҳар ишчи факультетида ўзбек тилидан дарс берган. 1923 йили алоҳида хизматлари учун “Меҳнат қаҳрамони” унвони билан тақдирланган. 1928 йилдан Ўрта Осиё давлат университети қошидаги “Физика кабинети”ни бошқарган. 1929 йили Коммунистик партия аъзоллигидан маҳрум этилган. Эгаллаб турган барча лавозимларидан бўшатилган. У 1930 йилдан сўнг мактабларда ўқитувчилик қилган. 1937 йили НКВД ходимлари томонидан қамоққа олинган. СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 5 октябрдаги қарори билан отувга ҳукм қилинган.

**Салимхон Тиллахонов** – 1898 йили Тошкентда туғилган. Ўзбекистонда “Миллий истиқлол” ҳаракати намояндalarидан бири, “Миллий иттиҳод” ташкилоти Сирдарё вилояти раҳбари бўлган. 1914–1916 йилларда бошланғич мактабларда ўқитувчи, “Турон” труппасида актёр бўлган. 1916–1917 йилларда Боку педагогика институтида ўқиган. Тошкент эски шаҳар маориф бўлими мудри вазифасида ҳам ўқиган ва ўқитувчилик қилган (1924–1925). Тошкент округ молия курсини ташкил этиб, унга раҳбарлик қилган (1925–1929). “Молия фани асослари” асарини ёзган. 1929 йил ноябрь ойида Давлат сиёсий бошқармаси (ГПУ) томонидан қамоққа олинган. 1931 йил 23 июнда Москва шаҳрида отиб ташланган. 1989 йил 24 мартда оқланган.

**Мирсоат Муллабоев** – 1890 йили Тошкент шаҳрида туғилган. “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзоси бўлган. “Душманларни ҳимоя қилгани” туфайли судланган. ВКП(б)дан ўчирилган, маҳаллий хўжалик бўлими ишини издан чиқарган. Ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулот бўлмаган. Миллатчилар билан аввалдан алоқа ўрнатгани, совет ҳокимиятига қарши душманлик кайфиятида бўлгани, аҳоли орасида норозилик келтириб чиқарганликда айбланган.

**Убайдулла қори Эргозиев** – 1892 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Йирик руҳонийлар оиласидан, собиқ савдогар. 1932 йил 7 августда 10 йил қамок жазосига ҳукм қилинган. “Миллий иттиҳод” ташкилотининг собиқ аъзоси бўлган. Аҳоли орасида доимий равишда тарғибот олиб борганликда, Совет ҳокимиятига қарши қуролли қўзғолон тайёрлашда босмачиларга ёрдам берганликда айбланган.

**Нуриддин Муҳсимов** – 1906 йили Тошкент шаҳрида туғилган. “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзоси, собиқ кулоқ, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулот бўлмаган. 1937 йил 25 октябрда 4477-сонли иш бўйича отувга ҳукм этилган. Аҳоли орасида аксилқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ доҳийси шаънига тухмат фикрлар билдирганликда айбланган.

Нигорахон АКБАРОВА,  
тадқиқотчи  
(Давоми келгуси сонда).





## ДОЛЗАРБ МАВЗУ


Яқинда бир дори қидириб, оёғимда оёқ қолмади. Шаҳар кўчалари бўйлаб қатор тизилган дорихоналарнинг мўллиги-ю, улардаги бир-бирдан чиروي қилиб қадоқланган дориларнинг турли-туманлигидан бошим айланиб кетди. Узоқ изланишлардан сўнг ва ниҳоят дори ҳам топилди. Аммо... минг машаққат ва мўмайгина пул эвазига сотиб олинган дори қалбаки бўлиб чиқди. Бу ҳолга биринчи марта дуч келганим боис реал вазият ҳақида кенгроқ маълумотга эга эмас эдим. Кейин эса бу мавзу ҳақида изланишга тушиб кетдим...

Дунёда қайсидир касаллик авж ола бошласа ёки унинг пандемия даражасига чиқиши кузатилса, дори воситаларининг тақчиллиги, тиббий буюмлар нархининг ошиши, энг ёмони эса қалбаки ва контрафакт тиббий маҳсулотларнинг кўпайиши кўзга ташланади. Натижада эса глобал соғлиқни сақлаш инқирози кучайиб бораверади. Бу ҳолат ҳали ёдимиздан чиқиб улгурмаган COVID-19 пандемияси даврида яққол намоён бўлган эди.

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, паст ва ўрта даромадли мамлакатларда муомалада бўлган ҳар ўн та тиббий маҳсулотлардан биттаси сифатсиз ёки сохталаштирилган ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида, беморлар томонидан касалликларни даволаш ёки уларнинг олдини олиш учун самара бермайдиган дори-дармонлар қабул қилиниши ифодалади. ЖССТ ҳисоб-китобларига кўра, қалбаки ва контрафакт дорилар аҳолининг энг заиф қатламларига кучли таъсир қилади ва бу жиддий касаллик ёки ўлим ҳолати билан якунланиши мумкин.



Шуни таъкидлаш кераки, қалбаки ва контрафакт дори воситалар ҳамда тиббий буюмларнинг тарқалиши нафақат истеъмолчиларга, балки ишлаб чиқарувчиларнинг фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатиб, маҳсулотларга бўлган ишончини пасайтиради. Натижада иқтисодий зарар орқали оддий фуқаро каби давлатнинг ҳам соғлиқни сақлаш тизимига йўналтирган умумий харажатлари кўпайиб, тиббиёт мутахассислари, дастурлари ва соғлиқни сақлаш тизимига бўлган ихлосига путур етади. Ножўя таъсирлар жиддий оқибатларга олиб келади, келажақда касалликни даволаш ёки олдини олишнинг имконияти йўқолиши туфайли ўлим, хавfli касаллигини ёки касалликнинг кенг тарқалишига сабаб бўлади.



## ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ:

## ҚАЛБАКИ ДОРИЛАР!

Қалбаки дори-дармонлар савдоси қора бозор ва ноқонуний тармоқларни ривожлантиради, бу эса кенг ижтимоий ва иқтисодий оқибатларга олиб келиб, қора бозорни легаллаштиришга замин яратиши мумкин.

Фармацевтика хавфсизлиги институти (PSI) томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, дунёда қалбаки ва контрафакт дори воситаларининг муомаласи ҳар йили тахминан 10 фоизга ўсиб бормоқда. Мутахассисларнинг фикрича, бу ўсишга туртки бўлаётган омиллардан бири, дори воситаларининг веб-сайтлар орқали назоратсиз савдоси ривожланишидир. ЖССТ ҳисоб-китобларига кўра, интернетда сотиладиган дори воситаларининг 50

факт дори воситаларининг муомаласи соғлиқни сақлаш соҳасидаги энг долзарб муаммолардан бирига айланиб улгурди. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда аҳоли орасида катта талабга эга бўлган дори воситалари кўпроқ сохталаштирилмоқда.

Қалбаки ва контрафакт дори воситалари муомаласи билан боғлиқ асосий муаммолардан бири бу самарали назорат механизмларининг йўқлиги ва аҳолининг қалбаки дори воситаларини сотиб олиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ хавф-хатарлардан етарлича хабардор эмаслигидир. Бу эса қалбаки ва сифатсиз дори воситаларининг ноқонуний айланишига шароит яратиб, ўз навбатида фуқаролар саломатлигига жиддий хавф туғдирмоқда.

## Собир НОРМАМАТОВ, фармацевт:

– Қалбаки ва контрафакт дори воситалари айланмаси шу қадар ривожланиб кетяптики, бир қарашда сохтасини ҳақиқийсидан ажратиб олиш соҳа мутахассислари учун ҳам қатор мураккабликлари келтириб чиқармоқда. Бундай дори препаратларининг оригиналидан фарқи фақат махсус кимевий лабораториядагина аён бўлиши мумкин. Аммо дори-дармон хариди пайти халқимиз эътибор қаратиши лозим бўлган бир неча жиҳатлар ҳам борки, юртдошларимиз бу орқали нафақат ўзининг, балки бошқаларнинг ҳам соғлигини асрашга катта ҳисса қўшиши мумкин.

Харидор алданиб қолмаслиги учун аввало сотувчидан дори-дармоннинг юк хатини кўрсатишини талаб қилиши зарур. Унинг бу ҳаракати қонунийлик талабларига тўла мос келади. Юк хатида дори воситасининг серияси, тартиб рақами, ишлаб чиқарувчиси ва улгуржи нархи кўрсатилган бўлади. Бундан ташқари, дорихонада сотувга рўхсат берилган ҳар бир дори-дармоннинг Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақдим этилган сертификати бўлиши керак. Юк хати ва сертификати мавжуд бўлмаган дори-дармонларни сотиб олиш ва истеъмол қилишдан чекланиш зарур. Бу кўринишдаги жамоатчилик на-

зорати анчайин суст бўлгани учун харидорлар дори воситаларининг кутисига, ташқи кўринишига алоҳида эътибор бериши керак. Қалбаки дориларнинг кутиси ҳақиқийсига қараганда хирароқ кўринишда бўлади. Оддий таққослаш билан ҳам кўп нарсани ойдинлаштириш мумкин. Қалбаки деб тахмин қилинган дори воситалари ҳақида эса дори воситалари сифатини назорат қилувчи миллий органларга хабар қилиши керак.

Фармацевтика соҳаси бутун дунёда катта бизнес эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Халқимиз топиб айтган: пул бор жойда нафс бор, шайтон бор. Коррупция, дори воситаларини рўйхатга олиш ва сотишни тасдиқлаш жараёнида шадфолликнинг йўқлиги охири пайтлар оддий фуқаролар учун жуда жиддий оқибатларни келтириб чиқармоқда. Ҳиндистоннинг "Marion Biotech" компанияси дори воситаларини қабул қилганидан сўнг Ўзбекистонда 65 нафар бола вафот этди. Яна қанчадан қанча норасидалар оғир касалликларга чалинди. Бутун халқимиз юрагини жараҳатлаган бу муҳим ҳодиса ҳали одамлар ёдидан чиққани йўқ, албатта. Бунинг сабабчиси бўлган инсонлар ҳаётининг қанчадир қисмини панжара ортида ўтказар, аммо бегуноҳ фарзандидан айрилган ота-оналар-чи, уларнинг ҳоли не кечяпти ҳозир?

Ушбу фожиали воқеа ҳам дори воситаларининг сифати ва хавфсизлиги устидан қатъий назорат ўрнатиш муҳимлигини, шунингдек,

## Исломжон ҚўЧҚОРОВ, журналист

## ИЛДИРГИ:

Баъзан турли давраларда ноқонуний дори-дармон воситаларини ишлаб чиқариш ҳудудларда ҳам учраб турганини эшитиб қоламиз. Яқинда хизмат сафари билан водий вилоятларида бўлганимда Учқўлрик тумани ва Қўқон шаҳрида ҳам шу каби ҳолатлар кузатилаётганини ўша ерлик аҳоли вакиллари кўйишга аниқланди. Ноқонуний дори воситаларини ишлаб чиқариб, одамлар, айниқса, норасида гўдаклар ҳаётини хавф остига қўётган баъзи "тадбиркор"лар шу жирканч ишларининг қасофати авлодларига уришдан, бегуноҳ бемор чақалоқлар ҳаёт шамини ва уларнинг ота-оналари кўзидаги милтиллаб турган умидни сўндириб қўйишдан қўрқмасмикан?! Бу турдаги кимсалар балки ҳозирча қонуний жазодан қутулиб қолаётгандир, лекин виждон азобидан қаврга қочиб бўларкан...

## ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?

## НОШИРЛИКДАГИ НОҚИСЛИК

Бугун ноширни қийнаётган муаммолардан бири бу – бозордаги плагиат асарлардир. Дейлик ношир бирор китобни чоп этиш ҳуқуқига эга бўлди ва уни нашр этди. Бу асарга талаб яхши эканлигини билган айрим уддабурон ноширлар ҳам худди шу китобни ноқонуний тарзда нашр этиб сотувга берилган.



Нигора ҲАСАНОВА,  
Фейсбук

## ТИЛБИЛИМ

## КАЛ ПАЛОВ



Ҳеч замонда палов ҳам кал бўладими? Бўлар экан-да. Усмирлик йилларимизда куз оқшомларида пахта теримидан ҳориб қайтган чоғларимизда кела солиб "Нима овқат қилдингиз?" деб берган саволимизга баъзида онам "Палов. Лекин кал палов", деб жавоб берарди.

Бундай пайтларда паловнинг каллиги ё кўрлиги билан ишимиз йўқ эди. Паловнинг ўзи бўлса бўлди. Биз ўсган кишлоқларда гўштсиз паловни "кал палов" дейишарди. Гўшт дегани ўша вақтларда ҳам кўп танқис ва қиммат эди. Шунинг учун онда-сонда гўштли палов қилинса, ош устида турган озгина этни

паловнинг қора кесаги дейишарди. Мен кейинроқ қадимги китобларимизда қора кесак ибораси қўлланиганини кўрдим, лекин бу иборанинг қайси маънода ишлатилганини аниқлай олмадим.

"Ат-туҳфа" луғатида шўрхок экин ерни ҳам кал ер деб аташгани ҳақида ўқиганимда онам қилган уша кал палов эсимга тушди. Шўрхок ерни яна қочур, сизлиқ дейишган. Шу луғатда сочи тўкилган кал одам кашал (кашл) сўзи билан нисбатланиши ҳақида айтилган. Бундан ташқари қадимги тилимизда таз (таз) сўзи ҳам кал маъносини билдирган. Ултонтоздаги тоз ҳам шу маънода бўлиши мумкин.

Эшқобил ШУКУР

Jadid

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН  
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ  
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ



МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ  
ҚўЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ  
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ  
ЖАМОАТ ФОНДИ



"ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ"  
ЖАМОАТ ФОНДИ

Бош муҳаррир:  
Иқбол Мирзо

Бош муҳаррирнинг  
биринчи ўринбосари:

Хумоюн Акбаров

Масъул котиб:

Шухрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:

Муҳайё Пирнафасова

Саҳифаловчилар:

Эркин Ёдгоров

Нигора Тошева

Тахририятга юборилган  
мақолалар муаллифга  
қайтарилмайди ва улар  
юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Администрацияси  
хузуридаги Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар агентлиги  
томонидан 195115 рақам  
билан рўйхатга олинган.

Кирилл ёзувидаги адади – 5 812

Лотин ёзувидаги адади – 11 905

Медиа кузатувчилар – 19 213

Буюртма: Г – 1039

Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.

Нашр қўрсаткичи – 222.

Ташкилотлар учун – 223.

1 2 3 4 5 6



Манзилимиз:

Тошкент шаҳри,

Шайхонтохур тумани,

Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20

Девонхона: (97) 745-03-69

jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17

Jadid\_gazetasi@exat.uz

"Шарқ" нашриёт-матбаа

акциядорлик компанияси

босмахонаси.

Босмахона манзили:

Тошкент шаҳри,

Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00

Босишга топширилди: 19:30

Сотувда нархи эркин.

